БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 265 (19.641). • 1986 йил 23 ноябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ М. КЕРЕКУ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 21 ноябрь куни Бенин Халқ революцияси партияси Марказий Комитетининг Раиси, Бенин Халқ Республикаси Президенти ва ҳукумат бошлиғи Матье Кереку билан учрашди.

Ўртоқларча суҳбат чоғида М. С. Горбачев КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш, совет жамиятини ҳар томонлама жадал ривожлантириш йўлини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган актив, аниқ мақсадни кўзловчи иш ҳақида гапириб берди. Бу иш совет халқи бахт-саодатини, бутун Ер юзида тинчлик иши манфаатларини кўзлаб социализм афзалликларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланишга имкон яратади.

М. Кереку Бенин халқи ва унинг авангард партияси — Бенин Халқ революцияси партияси (БХРП)нинг сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш ва илғор социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган куч-ғайратлари ҳақида ахборот берди. У Совет Иттифоқи Бенин халқига миллий қурилишда кўрсатаётган ёрдам ва мадад учун ташаккур изҳор этди.

Иккала мамлакат раҳбарлари Совет-Бенин дўстона муносабатларининг аҳволидан мамнун эканликларини билдириб, бу муносабатларни турли соҳаларда янада самарали ва ўзаро манфаатли ривожлантириш учун қулай истиқболлар борлигини таъкидладилар.

Ҳозирги халқаро аҳволнинг туб проблемалари муҳокама қилинаётган чоғда империализмнинг айби билан жаҳонда кескинлик сақланиб турганлигидан жиддий ташвиш изҳор этилди. М. Кереку Бенинда Рейкьявикдаги учрашувда Совет Иттифоқи тутган амалий позиция маъқуллаб кутиб олинди, деди. Совет тинчликсевар ташаббусларининг амалга оширилиши, деб таъкидлади у, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтирган, ядро қуролининг ва ялпи қирғин қуроли бошқа турларининг йўқотилишига, жаҳонда сифат жиҳатдан янги вазиятга эришишга олиб келган бўлур эди.

М. С. Горбачев Африкадаги мамлакатларнинг ва бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро вазиятни соғломлаштириш учун курашга қўшаётган ҳиссасига ижобий баҳо берди, бу ҳисса, айниқса Хараредаги қўшилмаслик ҳаракати анжумани қарорларида яққол намоён бўлди. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш, деб таъкидлади М. С. Горбачев, анчагина маблағларни тараққиёт учун ва қолоқликка барҳам бериш учун бўшатиб олишга имкон яратар эди.

Суҳбат қатнашчилари ЖАРнинг ирқчи режимини ва унинг империалистик ҳомийларини кескин қораладилар, «фронт ёқаси» давлатлари билан, Африка жануби ва Намибиянинг курашаётган халқлари билан бирдам эканликларини таъкидладилар.

М. Кереку М. С. Горбачевни Бенин Халқ Республикасига таклиф этди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Визит муддати кейинчалик дипломатия йўли билан келишиб олинади.

Учрашув иккала партия ва мамлакат ўртасидаги муносабатларга хос дўстона вазиятда ўтди.

Суратда: суҳбат олдидан. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

21 ноябрь куни Кремлда КПСС билан Бенин Халқ революцияси партияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлди.

Битимни КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин билан Бенин Халқ революцияси партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси М. Д. Азонхихо имзоладилар.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитетида 1986 йилда социал-маданий қурилиш халқ хўжалиги плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия, совет, хўжалик органлари партия XXVII съезди йўл-йўриқларига биноан социал соҳани ривожлантиришга, уй-жой, маданий-маиший хизмат объектлари қуришга катта эътибор берадиган бўлиб қолганликлари уқтириб ўтилди. Умуман мамлакатда 1986 йилнинг 10 ойи давомида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14 процент кўп уй-жой, 13 процент кўп мактаб, 27 процент кўп мактабгача тарбия болалар муассасалари, 60 процент кўп касалхона ва поликлиника фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, кўпгина министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советлари бу борада ўз ишларини зарур даражада қайта қуришни таъминламадилар, социал-маданий комплекс объектлари қуришни тубдан яхшилашга эришмадилар. Бу соҳага илгаригидек иккинчи даражали иш, деб муносабатда бўлмоқдалар. Уй-жойлар, магазинлар, касалхоналар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув юртлари, клублар, спорт иншоотлари қурилиши қониқарсиз, план топшириқларидан орқада қолиб олиб борилмоқда.

1986 йилнинг январь — сентябрь ойларида СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги, СССР Машинасозлик министрлиги, СССР Дон маҳсулотлари министрлиги соҳасида бир йилга мўлжалланган уй-жойларнинг ярмидан камроғи фойдаланишга топширилди. Астрахань, Кемерово, Чита, Омск, Тула областларида фойдаланишга топширилган уй-жойлар салкам 40 процентни ташкил этди. СССР Давлат агросаноат комитети, Арманистон, Грузия, Ўзбекистон, Молдавия иттифоқдош республикаларининг Министрлар Советлари, РСФСРнинг кўпгина областлари, ўлкалари ва автоном республикалари уй-жой қурилиши программасини бажармадилар. Ўтган давр мобайнида Иваново, Горький, Орёл, Рязань областларида бирорта ҳам соғлиқни сақлаш объекти ишга туширилмади.

Мактабгача тарбия болалар муассасалари объектлари йиллик ҳажмининг 25 процентдан камроғини фойдаланишга топширган СССР Радио саноати министрлиги, СССР Алоқа воситалари саноати министрлиги, СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги, шунингдек Новгород, Смоленск, Томск областлари энг кўп даражада қолоқликка йўл қўйдилар. Москва шаҳар ижроия комитети, Қирғизистон ССР Министрлар Совети умумий таълим мактабларини фойдаланишга топшириш вазифасини янги ўқув йили бошлангунча уддалай олмадилар.

Бундай аҳвол Узоқ Шарқ ва Забайкалье районлари бўйича СССР Қурилиш министрлиги, Урал ва Сибирь районлари бўйича СССР Қурилиш министрлиги, Шимолий ва Ғарбий районлар бўйича СССР Қурилиш министрлиги, Жанубий районлар бўйича СССР Қурилиш министрлиги, СССР Нефть ва газ корхоналари қурилиши министрлиги социал соҳа объектларини қуришга асосий диққат-эътиборни қаратмаганликлари, уларнинг кўпгина пудратчи ташкилотлари қурилишни қониқарсиз олиб бораётганликлари натижасида шундай аҳвол юз берди.

СССР Госплани, СССР Госснаби, министрликлар ва идоралар уй-жой-граждан қурилишининг ўсиб бораётган ҳажмларини зарур материал ресурслар билан таъминлашга оид амалий тадбирларни кўрмадилар. Социал-соҳа объектларини планлаштиришда зарур тартиб йўлга қўйилмаган, уй-жойларни поток усулида қуришни ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш кўзда тутилмаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг фикрича, айтиб ўтилган камчиликлар иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари, жойлардаги партия, совет ва хўжалик органлари социал-маданий соҳанинг моддий-техникавий базасини янада мустаҳкамлаш сари ҳали кескин бурилишни амалга оширмаганликларига, уй-жойлар ва бошқа социал объектлар қуриш ҳажмларини ошириш юзасидан барча резервларни ишга солмаганликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

(Давоми иккинчи бетда)

САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ ИШЛАЙЛИК

Республика Давлат агросаноат комитети коллегиясининг 22 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлиси агросаноат комплексини янада ривожлантириш, унинг барча тармоқлари молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш ва шу асосда саноатни хом ашё билан, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада тўлиқроқ таъминлаш масалаларига бағишланди. Мажлисда қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар, партия ва совет органларининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Х. Жўрабеков олиб борди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов доклад қилди.

Мажлисда Давлат агросаноат комитетига қарашли кўпгина хўжаликлар, корхоналар ва бошқарув органлари хўжалик механизми ишини суст қайта қураётганликлари, бошқарувнинг илғор иқтисодий методларига журъатсизлик билан ўтаётганликлари айтиб ўтилди. Бу эса бутун агросаноат комплекси фаолиятида самарадорликнинг ўсишига сезиларли даражада тўсқинлик қилмоқда.

Ўн ой якунларига кўра, план топшириқларини уддалай олмаган корхоналар сони биринчи ярим йилликка нисбатан кўпайди. Пахта тозалаш, озиқ-овқат, гўшт-сут, консерва тармоқлари, қурилиш индустриясининг 56 та корхонаси саноат маҳсулоти реализация қилиш планини бажармади. Ҳар учта корхонадан бири маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бузди.

Ишлаб чиқаришнинг бир маромда ишламаслигига барҳам берилмаган, ишлаб чиқариш қувватлари ва технология ускуналаридан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги айниқса ташвишлантирмоқда, дейишди нотиқлар. Ўн ой ичида озиқ-овқат саноати корхоналарининг ўзидангина сифатсиз маҳсулот етказиб берилганлиги учун салкам 900 минг сўм ундириб олинди.

Агросаноат комплекси кўпгина район бирлашмаларининг ишн бугунги талабларга жавоб бермайди. Мажлисда район агросаноат бирлашмаси тўғрисидаги низом кўпинча бузилаётганлигини, уларнинг раҳбарлари хўжаликларга амалий ёрдам ташкил этиш ўрнига қўпол маъмуриятчилик қолларига йўл қўяётганлигини кўрсатувчи фактлар айтиб ўтилди. Хўжаликларда бухгалтерия учети ва ҳисоб бериш даражаси паст. Бу эса молиявий фаолиятнинг бузилишига олиб келмоқда, қўшиб ёзиш, ўғирликларга йўл очиб бермоқда. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчи ташкилотлардан қарз бўлиб қолиш ҳамон кўпаймоқда. Товар-материал бойликларнинг нормадан ортиқ запасларини вужудга келтиришга кўп маблағ сарфланмоқда. Колхоз ва совхозларни ўз харажатларини ўзлари қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказишга, коллектив пудратини жорий этишга оид ишлар расмиятчилик билан олиб борилмоқда, Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона областлари агросаноат бирлашмаларида бу масалалар айниқса ёмон ҳал этиляпти.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи дадил бурилиш қилишни тақозо этади. Янги ерларни, консерва саноатида қувватларни ишга туширишни, социал-маданий-маиший объектларни қуриш ўн ойлик плани барбод этилди. Агросаноат комитетининг энг муҳим объектларида иш суръатларини ошириш тадбирлари кўрилмади.

Коллегия ҳар томонлама интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш асосида хўжаликлар ва корхоналар рентабеллигини ошириш зарурлигини уқтириб ўтди. Республика Давлат агросаноат комитети барча бўлинмаларининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини яхшилашга оид конкрет тадбирлар белгиланди.

Мажлисда СССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари Г. А. Романенко нутқ сўзлади.

Коллегия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Нидерландия Бош министри Р. ЛЮББЕРС билан суҳбати

21 ноябрь куни М. С. Горбачев Кремлда Рудолфус Любберс билан учрашди, энг актуал проблемалар хусусида рўй-рост, дўстона ва норасмий суҳбат бўлди, вақтивақти билан суҳбат қизғин мунозарага айланиб турди.

Нидерландия Бош министри ва унинг ҳамкасблари шу кунларда Москвада ўтказишган музокараларнинг якунлари умумлаштирилди. Кенг жабҳа бўйлаб икки томонлама алоқаларни, жумладан савдо-сотиқни, технология айрибошлашни, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва одамларнинг алоқалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иккала томоннинг манфаатдор эканлиги айтилди. Келингилар, шундай қилиб кўрайлик, деди бу хусусда М. С. Горбачев.

Сўнгра у Совет Иттифоқида авж олдирилган социал-иқтисодий ва демократик жараёнларнинг моҳияти ҳақида суҳбатдошларига батафсил ахборот берди. Бу жараёнларга катта режалар асос қилиб олинган, шу режаларни халқ завқ-шавқ билан қўллаб-қувватлади.

Бу ишлар қийинчиликсиз бораётгани йўқ, аммо биз ўз режаларимизни амалга оширамиз, бунга ишончимиз комил. Бу эса мамлакат учун ҳам, бутун дунё учун ҳам жуда катта натижалар беради. Бизнинг режаларимиз Совет Иттифоқининг нормал халқаро вазиятдан, давлатлар ўртасидаги маданий муносабатлардан, чинакам тотув яшашдан манфаатдор эканлигидан далолат бериб турибди.

Р. Любберс, менинг мамлакатим Совет Иттифоқида белгиланган ва амалга оширилаётган янги режаларга муваффақият тилайди, чунки бу нарса Совет — Нидерландия муносабатларини янги поғонага кўтаришга ҳам кўмаклашади, «ишончсизликни йўқотишга» имкон беради, деб айтди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқи ўзи ўтказаётган сиёсат Нидерландия учун тўла-тўкис тушунарли бўлишини хоҳларди, деб уқтириб ўтди. Суҳбатдошлар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни Хельсинки руҳида, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, манфаатлари ва муддаоларини эътиборга олиб янги ҳаёт, амалий мазмун билан тўлдириш лозим, деган фикрни билдирдилар.

Суҳбатда Рейкьявикдан кейинги халқаро вазиятга биринчи даражали аҳамият берилди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг кейинги даврда қуролсизланиш юзасидан ўртага қўйган ва Ғарбий Европадаги мамлакатларнинг ядро қуролидан тортиб оддий қурол-яроғларгача бўлган барча позициялар хусусидаги реал хавотирликларини «ортиғи билан» эътиборга олган ташаббуслар ва таклифларни эслатиб ўтди.

Варшава Шартномаси мамлакатларининг Будапешт ташаббуси ҳам Ғарбий Европанинг хавотирликларига эътибор нишонаси бўлди. Бироқ ярим йилдан буён бунга жавоб берилгани йўқ, иккала ҳарбий иттифоқнинг ишчи группалари учрашиб, Европадаги оддий қуроляроғларни ва қуролли кучларни қисқартириш тўғрисидаги масалани ўргана бошлашлари тўғрисидаги таклиф хусусида ҳам фикр билдирилмади. Венадаги 13 йиллик музокаралар кириб қолган боши берк кўчадан чиқишни таклиф қилганимизда ҳам бизга хайрихоҳлик билдирмадилар.

Р. Любберс билан Х. Ван Ден Брук Совет Иттифоқининг Ғарбий Европага «ҳужум қилиш» нияти йўқ, деган фикрга қўшилсаларда, бироқ НАТО аслида қуролланиш пойгаси сиёсатини қўллаб-қувватлашни билдирадиган позицияларни нега зўр бериб ҳимоя қилаётганлигини изоҳлаб бера олмадилар. АҚШ президенти Рейкьявикдан кейин орадан бир ой ўтгач, нега Совет Иттифоқига қарши «салб юриши»га яна даъват қилганининг сабабини ҳам изоҳлашни истамадилар.

НАТОга аъзо бўлган Ғарбий европаликларнинг Рейкьявикдан кейинги позицияси улар Европани ядро қуролидан халос қилишдан ва қитъадаги ҳарбий қарамақаршилик даражасини тубдан пасайтиришдан ҳақиқатан ҳам манфаатдор эканликлари хусусида шубҳа-гумон туғдирмоқда.

М. С. Горбачев Рейкьявикда эришилган ҳамма аҳдномаларни чалкаштириш ҳамда сохталаштириб кўрсатишга интилаётган ва орқага судраётган АҚШ маъмуриятининг хатти-ҳаракатига принципиал баҳо берди.

М. С. Горбачев совет раҳбарлари Рейкьявикда эришилган позицияларга қатъият билан амал қилаверишларини таъкидлаб, Совет Иттифоқи ўз ташаббуслари ва таклифларини ишлаб чиқиш вақтида аввал бўлганидек, музокарадошларнинг реал манфаатлари ва хавотирликларини қатъият билан эътиборга олади, деб уқтирди. Акс ҳолда ҳаммага маъқул бўладиган хавфсизлик сари олға силжиб бўлмайди. Биз буни қатъий равишда кузатиб боряпмиз, бироқ бир мамлакатни доғда қолдириш, музокарадошни ёмон аҳволга солиб қўйиш йўлидаги уринишлар ҳеч қандай наф бермайди. Биз Рейкьявик очган йўлдан айни шу тарзда олға бораверамиз, қурол-яроғларни реал равишда қисқартиришга асос солишга интилаверамиз.

М. С. Горбачев Нидерландия Бош министрига, у орқали НАТОнинг бошқа ҳукуматларига мурожаат этиб, уларни Рейкьявикда бўлган ҳамма ишларни яна бир обдон ўйлаб кўришга таклиф этди. Бу — жўн воқеа эмас. Биз яқин орада иложи йўқдек туюлган позицияларни шу қадар яқинлаштиришга ўн йилдан бери интилиб келган эдик.

Бизнинг кенг миқёсли таклифларимиз бирлаштирилган мажмуа — ён беришлар ва манфаатларнинг ўзаро боғлиқ йиғиндисидир. Бу мажмуадан воҳ у, воҳ бу таклифни ажратиб олишга интилиш балансни бузишга олиб боради, ўзаро хавфсизлик принципига хилоф иш бўлади.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқи нега «Стратегик мудофаа ташаббуси» программасини қатъиян рад этаётганлигини батафсил изоҳлаб берди. Жумладан у «Стратегик мудофаа ташаббуси»н Американинг хавфсизлигини кўпайтиради, деган гап ҳом хаёл эканини уқтириб ўтди. Бунинг мутлақо тескариси содир бўлади. Чунки бу программа қуролланиш пойгасининг оқибати нима билан тугашини олдиндан айтиб бўлмайдиган принципиал янги даврасини бошлаши мумкин ва ҳарбий-стратегик устунлик олишга мўлжалланган, биз унга жавоб қайтаришга мажбурмиз: биз бу масалани пухта ўйлаб қўйганмиз.

Қуролланиш пойгаси воситаси билан СССРнинг тинкасини қуритиш мақсадида ишлаб чиқилаётган режалар унинг имкониятлари хусусидаги чўқур янглишишларга, Совет раҳбарларининг халқ билан чамбарчас боғлиқлигини тушунмасликка, совет халқининг қудратли ватанпарварлик хоҳиш-иродасини эътиборга олишни истамасликка асосланган.

М. С. Горбачев билан Р. Любберс ҳозир ҳақиқатан ҳам қурол-яроғларни реал равишда қисқартириш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисида ахдномалар тузиш мумкин бўлган қулай пайтдир, деган фикрни билдирдилар. Аммо бу пайт қўлдан бой бериб қўйилиши мумкин.

М. С. Горбачев билан Р. Любберс бўлиб ўтган суҳбатдан мамнуният изҳор этдилар ва бу суҳбат мазмундор мулоқотга асос солганлигини айтдилар. Бир-бирларининг далил-исботларидаги кўп жиҳатлар равшанлашди. Улар мулоқотни давом эттириш ва ҳамма учун муҳим бўлган актуал проблемаларни ҳал этиш йўлларини чуқурлаштириш хусусида аҳдлашиб олдилар.

Хайрлашар экан, М. С. Горбачев голландияликларнинг бизнинг мамлакатимизга қарши ёмон ниятлари йўқлигини совет кишилари биладилар, деб айтди. Қарашлар ва эътиқодлар нақадар ҳар хил бўлмасин, улар ўз манфаатлари ва бутун Европанинг фаровонлиги йўлида яхши ҳамкорлик қила оладилар.

Суҳбатда ўртоқ Э. А. Шеварднадзе, Нидерландия ташқи ишлар министри Х. Ван Ден Брук қатнашдилар.

(ТАСС).

ВИЗИТ АРАФАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 21 ноябрь куни бир группа ҳинд журналистлари — Ҳиндистон телевиденнеси ва радиоси, Пресс Траст оф Индиа (ПТИ) ва Юнайтед ньюс оф Индиа (ЮНИ) агентликлари вакилларини қабул қилиб, Ҳиндистонга бўлажак визит муносабати билан уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Суҳбат Совет ва Ҳиндистон телевиденнеси орқали 23 ноябрь куни эшиттирилади ҳамда газеталарда 24 ноябрь куни эълон қилинади.

(ТАСС).

Музокаралар тугади

21 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан Нидерландия Бош министри Р. Любберс ўртасидаги музокаралар тугади. Иккала ҳукуматнинг бошлиқлари Европа мамлакатлари ўртасидаги мулоқотни ҳар қачонгидан ҳам интенсив олиб бориш ва бунинг учун халқаро анжуманлардан ҳам, икки томонлама алоқа воситаларидан ҳам фойдаланиш зарур, деган якдил фикрни изҳор этдилар. Аввало қуролланиш пойгасини жиловлаш масалаларида сиёсий ҳамжиҳатлик соҳаларини кенгайтириш мақсадида СССР билан Нидерландия ўртасидаги фикрлашувларни кучайтиришга ҳар иккала томон интилаётганлиги изҳор қилинди.

Музокаралар ошкора ва айни вақтда ҳайрихоҳлик вазиятида, бир-бирларининг позицияларини яхшироқ англаш йўлларини манфаатдорлик билан излаш руҳида ўтди. Музокараларнинг натижалари икки томонлама алоқа ва ҳамкорликнинг янги соҳаларини аниқлашга кўмаклашиши лозим.

* * *

Совет—Нидерландия ҳужжатларини имзолаш маросими бўлди. Н. И. Рижков билан Р. Любберс СССР билан Нидерландия ўртасида иқтисодий, саноат ва техника ҳамкорлигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини, шунингдек СССР Давлат агросаноат комитети билан Нидерландия қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш министрлиги ўртасида агросаноат комплекси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини имзоладилар.

СССР билан Нидерландия ўртасида иқтисодий, саноат ва техника ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида 1975 йил 15 июлда тузилган битимга доир протокол ҳамда СССР ва Нидерландия ҳукуматлари ўртасида икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенция ҳам имзоланди.

(ТАСС).

Матбуот маркази хабар қилади

САМАРҚАНД

Каттақўрғон районидаги Н. К. Крупская номли колхоз деҳқонлари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида маълум қилдилар. 1227 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиниб, давлат қабул пунктларига 3640 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ялпи ҳосилнинг 91 процейти юқори сортларга қабул қилинди. Жума Ҳайитов, Расул Шодиев, Хушим Маҳмудовлар бошлиқ пешқадам бригадаларда ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 35—45 центнер бўлди. Хўжаликда далаларни ғўзапоядан тозалаш ва ерларни шудгорлаш ишлари бошланиб кетди.

АНДИЖОН

Москва районидаги «Ленинизм» колхозида пахта тайёрлаш плани адо этилди. Бу ерда мавжуд ерларнинг ҳар гектаридан 36 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга жами 2700 тонна юқори сифатли хом ашё сотилди. Ҳосилдорликни гектар бошида 37—38 центнерга етказган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуваҳоб Кўчқоров, Ҳалим Эшонов, Салимжон Абдуназаровлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ўзаро мусобақада ғолибликни эгалладилар. Хўжалик миришкорлари ўз имкониятларини чамалаб, яна 100 тонна пахта тайёрлаш мажбуриятни олдилар.

ТОШКЕНТ

Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз аъзоларидан йиллик марра эгалланганлиги ҳақида рапорт олинди. Хўжалик азаматларининг ҳозиргача уйган хирмонлари 2650 тоннадан ошиб кетди. Ҳар гектардан ўртача 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Эрсинбек Бахтибоев, Валентин Ли, Саидкарим Омоновлар бошлиқ бригадаларда бу кўрсаткич 33—34 центнерни ташкил этди. Хўжалик аъзолари яна 50 тонна пахта тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 22 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

ФАРҒОНА	0,02	105,07	—	63,32
ТОШКЕНТ	0,01	104,39	—	99,64
СУРХОНДАРЁ	0,02	101,13	—	90,43
НАМАНГАН	0,04	100,20	—	82,44
Сирдарё	0,13	96,94	—	98,80
ҚҚАССР	0,14	92,25	0,01	60,35
Андижон	0,06	87,38	0,02	52,51
Хоразм	0,07	85,56	0,12	51,83
Жиззах	0,10	80,23	0,01	66,15
Самарқанд	0,05	75,41	—	36,28
Бухоро	0,02	74,63	0,02	16,10
Навоий	0,05	60,99	0,03	23,25
Қашқадарё	0,04	59,27	0,04	39,40
Республика бўйича:	0,06	87,15	0,02	62,30
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
СУРХОНДАРЁ	0,04	160,82	0,01	166,71
НАВОИЙ	0,14	109,73	0,28	35,78
НАМАНГАН	—	109,00	—	1,90
Бухоро	0,10	82,09	—	—
Қашқадарё	0,10	63,96	0,14	62,60
Республика бўйича:	0,06	125,39	0,05	123,42

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Бошы биринчи бетда).

СССР қурилиш ишлари Давлат комитети, СССР граждан қурилиши Давлат комитети, бир қанча иттифоқ, республика қурилиш министрликлари ва бошқа министрликлар уй-жой проблемасини жадал ҳал этиш муҳимлигига маълум даражада етарли баҳо бермай, уйсозлик комбинатларини реконструкциялаш масалаларини ҳал этишни, янги, прогрессив туркумдаги уй-жойлар ва социал объектларни ўзлаштиришни чўзиб юбормоқдалар. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаяпти, натижада ҳар йили қарийб 10 миллион квадрат метр уй-жой деталлари кам тайёрланяпти.

КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорда уй-жой ва социал-маиший қурилиш программасининг муваффақиятли амалга оширилиши совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий активлигини муттасил ошириб боришнинг, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг, шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг ҳал қилувчи шарти эканлиги уқтириб ўтилди.

Партия Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларидан, ўлка ва область партия комитетларидан, СССР министрликлари ва идораларидан, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларидан, халқ депутатлари ўлка ва область Советлари ижроия комитетларидан, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан бу йил учун бутун социал комплекса доир объектларни ишга туширишни тўла номенклатура бўйича бажаришни сўзсиз таъминлаш, келажакда бажариладиган ишларнинг зарур қўламини белгилаш учун ҳамма чораларни кўришни талаб этди. Горький автомобиль заводи, Волжск автомобиль заводи ва бошқа илғор корхоналарнинг социал проблемаларни жадал ҳал этиш юзасидан қўшимча имкониятларни кенг кўламда ишга солиш ташаббусини ёйиш учун ташкилотчилик иши кучайтирилсин. Қурилишнинг хўжалик усули кенг ёйилсин, меҳнат коллективлари уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилишига кўпроқ жалб этилсин, бу мақсадда ҳамма имкониятлар ва ресурслардан тўлароқ фойдаланилсин.

Маҳаллий Советларнинг уй-жой ва социал инфраструктурани лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан ягона буюртмачи сифатидаги ролини ошириш, уларнинг шаҳар ва қишлоқларни комплекс ривожлантириш ҳамда қурилиш сифати ва архитектура қиёфаси учун ўлар ва бошқа объектларни қабул қилиб олишда зарур тартиб ўрнатилиши учун, уй-жой майдонини социал адолат принципларига қатъий мувофиқ тарзда тақсимлашда жавобгарлигини ошириш зарур, деб топилди. Партия Марказий Комитети Урал ва Сибирь районлари бўйича СССР Қурилиш министрлиги, Узоқ Шарқ ва Забайкалье районлари бўйича СССР Қурилиш министрлиги, Шимолий ва Ғарбий районлар бўйича СССР Қурилиш министрлиги, Жанубий районлар бўйича СССР Қурилиш министрлиги, СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлиги, СССР Алоқа воситалари саноати министрлиги, СССР Дон маҳсулотлари министрлиги коллегияларининг эътиборини уй-жой ва социал соҳа қурилишида жиддий камчиликлар борлигига қаратди. Марказий Комитет улардан ўз қарамоғларидаги ташкилотларнинг ишини йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш, қурилишнинг юксак сифати ва маромини, барча социал-маданий объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш мақсадида тубдан қайта қуришни талаб этди.

Министрлик ва идораларга мамлакатдаги илғор коллективлардан ибрат олиб, бу қурилишларда тўлиқ икки сменали ишни ташкил этиш, бунинг учун зарур ишлаб чиқариш ва маиший шароитларни яратиш таклиф этилди. Министрлик ва идораларнинг партия комитетларига бу масалаларнинг амалда ҳал этилиши устидан доимий назорат ўрнатиш, ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишни яхшилаш, кадрларга талабчанликни ошириш, планларнинг бажарилиши учун бошқарув аппарати ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш тавсия этилди. КПСС Марказий Комитети СССР Госстройи, СССР граждан қурилиши Давлат комитети, СССР Давлат агросаноат комитети, қурилиш ҳамда бошқа министрликлар зиммасига уч ой муддат ичида мавжуд уйсозлик ва қишлоқ қурилиши комбинатларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни конкрет ўрганиб чиқиш ва бу корхоналар ишини тартибга солиш, технологик линияларни янгилаш ва реконструкция қилиш юзасидан қатъий тадбирлар кўриб, шу йўсинда яратилган ишлаб чиқариш қувватининг самарасини анча ошириш, уй-жойлар ва социал-маданий объектлар деталлари комплектини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш вазифасини юклади.

СССР Госпланига линолеум, пардозлаш қошиндилари, томбоп материаллар, лаббўёқ ва бошқа пардоз материаллари, санитария-техника ускунаси ва приборлари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, бундай маҳсулотлар билан социал-маданий қурилиш эҳтиёжларини ва аҳолига сотиш учун чакана савдо эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлашни кўзлаб СССР Министрлар Советига таклиф тайёрлаш ва тақдим этиш топширилди.

СССР Госпланига, СССР Госснабига, СССР Госстройига, СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ишлаб чиқариш қурилиши объектларига биринчи галда фондлар ажратиш, бу объектларни моддий-техника ресурслари билан планли тарзда ва ўз вақтида таъминлаш, бу ишда қурилиш ташкилотларининг буюртмалари бўйича улгуржи савдога кенг ўтиш таклиф этилди. Уй-жой ва бошқа социал объектларни ишга тушириш йиллик планининг ойлар ва кварталлар бўйича яна ҳам бир текисда тақсимланиши юзасидан, уларни норматив муддатларга қатъий мувофиқ тарзда қуриш юзасидан конкрет тадбирлар амалга оширилсин. Халқ хўжалиги планида тегишли кўрсаткичлар, келажакдаги ишлар учун зарур маблағлар ажратиш назарда тутилсин. СССР Халқ контроли комитетига социал-маданий қурилиш планларининг бажарилиши, шаҳар ва қишлоқларни сифатли ва комплекс қуришни таъминлаш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилиши юзасидан муттасил текширув ўтказиб бориш топширилди. Қўшиб ёзишлар ва ҳисоботларни бузиб кўрсатишга бўлган барча ўринишларнинг пайи қирқилсин.

Марказий ва маҳаллий газеталар, радио ва телевидение редакцияларига социал-маиший қурилишнинг боришини ёритишга эътиборни кучайтириш, илғор коллективларнинг тажрибасини ва қимматли ташаббусларини кенг пропаганда қилиш таклиф этилди. Меҳнатни ташкил этишдаги иш сифатининг пастлигига қарши актив кураш олиб борилсин, социал қурилиш программасини муваффақиятли амалга оширишга халқият бераётган сабаблар очиб ташлансин.

МУЗЕЙЛАРНИНГ ИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН

Нариманов номли колхознинг Меҳнат шуҳрати музейи ташкил этган кўчма виставка она диёр тарихини эҳтиёт қилиб асрашга, кечаги ва бугунги кун солномасини яратишга даъват қилади. Бу кўргазма Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган.

СССР Маданият министрлиги билан СССР Марказий революция музейи уюштирган ҳамда 21 ноябрь куни Урганчда ўз ишини тамомлаган илмий-методик кенгаш мажлисининг қатнашчилари шу музейнинг фаолияти билан танишдилар. Барча иттифоқдош республикаларнинг, Москва ва Ленинграднинг вакиллари КПСС XXVII съезди қарорлари асосида уларнинг фаолиятини қайта қуриш форма ва методларини беш кун мобайнида муҳокама қилдилар. Улар «Ичанқалъа» давлат қўриқхонамузейи билан танишдилар, Хоразмнинг бошқа тарихий —меъморий ёдгорликларини кўздан кечирдилар.

Мажлисда Октябрь революциясининг бўлғуси юбилейига тайёргарлик кўра бошлаган бир қанча музейларнинг, шу жумладан Нариманов номли колхоз музейининг тажрибаси маъқулланди. Музейда кўргазмага қўйилган нарсалар ўлка тарихини, бу тарихнинг асосий босқичларини —совет ҳокимиятини қарор топтириш йўлидаги курашни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларини, уруш даврининг машаққатларини, урушдан кейинги қийин даврларни, экономика ва маданиятнинг ҳозирги равнақини яққол тасвирлайди. Ҳозир миллионер колхоз меҳнатчилари «оқ олтин»дан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Музей стендларидаги экспонатлар ва ҳужжатлар деҳқонларнинг ютуқларини, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари доимо яхшиланиб бораётганини яққол акс эттиради. Музей хўжаликнинг дала шийпонларига ва бригадаларига кўчма тематик виставкаларни мунтазам равишда юбориб турибди.

Наримановчилардан , нарат олган ал-Хоразмий номли шоликорлик совхозининг, Хивадаги Фрунзе номли колхоз'ва бошқа хўжаликларнинг жамоатчилик асосида ташкил этилган музейлари ҳам шундай виставкаларни уюштираётганликлари қайд этилди.

(ЎзТАГ).

Боғот райони,
Хоразм области.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИ

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Мамлакатнинг беш йиллик иккинчи йили плани ва бюджети қонун тусини олди. СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида расмийлаштирилган мухбирлар СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида қабул этилган ҳужжатларга зўр қизиқиш билан қарадилар. 21 ноябрь куни улар сессия ишининг якунларига бағишланган матбуот конференциясига келдилар.

Беш йилликнинг иккинчи йили плани, деди журналистлар ҳузурида сўзга чиққан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Госплани раиси Н. В. Тализин, мамлакат халқ хўжалиги бу йил барпо этаётган мустаҳкам пойдеворга таянади. КПСС XXVII съезднинг йўлига мувофиқ экономикада ва жамиятда рўй бераётган бурилиш, ижобий жараёнлар шу пойдеворнинг энг муҳим таркибий қисмларидир.

Матбуот конференциясида экономикани бошқаришда айрим йирик ўзгаришлардан хўжалик юритиш ҳамда бошқаришнинг яхлит янги системасига ўтилиши ва бу система ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма поғоналари ва бўғинларини қамраб олиши планни амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидлаб ўтилди. Мамлакатда маҳсулотнинг давлат қабули кенг жорий этилишига тайёргарлик кўрила бошланганлиги маҳсулотнинг техникавий даражасини ва сифатини тубдан ошириш сари кескин бурилишга ўтилганидан дарак беради. Бу тадбир, матбуот конференциясида таъкидланганидек, ҳар бир ходимнинг маҳсулот техникавий даражаси ва сифати масалаларига муносабатини тубдан ўзгартириши лозим.

Н. В. Тализин планнинг социал масалаларига тўхталиб, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни, ҳақ олиб аҳолига кўрсатиладиган хизмат системасини ривожлантиришни, социал-маданий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлашни қамраб оладиган комплекс социал бўлим биринчи марта тўла ҳажмда ишлаб чиқилганини журналистларга маълум қилди. Сизларда социал соҳанинг моддий базасини ривожлантиришга нега бу қадар эътибор бериляпти, деган савол туғилиши мумкин, деди нотиқ журналистларга юзланиб, бунинг сабаби шуки, социал соҳада ҳозир гап саноат молларига ва озиқ-овқатга бўлган элементтар эҳтиёжларни қондириш ҳақида эмас, балки истеъмол структурасини такомиллаштириш, товарлар ва хизматларнинг сифатини яхшилаш ҳақида бормоқда. Халқ ибораси билан айтганда буни, эгни бутни яхшироқ кийинтириш, қорни тўқни яхшироқ тўйдириш дейдилар. Уй-жой, болалар боғчалари, поликлиникаларга келганда эса, булар ҳали бизда етишмаётганини ошкора тан оламиз. Тарихан шундай аҳвол вужудга келдики, биз бу проблемаларни ҳозирча тўла-тўкис ҳал этолганимиз йўқ. Бугун мамлакат бу проблемаларни кун тартибига кўя олади.

Пировардида, журналистларнинг саволларига Н. В. Тализин билан бирга матбуот конференциясида ҳозир бўлган СССР молия министри Б. И. Гостев, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси И. И. Гладкий жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

Наманган области. 1-«Узагропромстрой» трестининг 4-экспериментал қишлоқ қурилиши комбинатида керамзит-бетон бирикмасидан тайёрланган яхлит уй-жой хоналарини қуриш ўзлаштирилди. Бундай уйларни қуриш қулайлигидан ташқари анча арзонга тушмоқда.

Ана шундай йўл билан қурилган дастлабки ўн бешта уй-жойга Наманган районидаги «Самарқанд» совхози ишчилари кўчиб кирдилар.

Суратда: комбинатнинг илғор бинокорлари (чапдан): Т. Илёсов, Б. Мўминов, цех мастери М. Махмудов, кран машинисти И. Йўлдошевлар. А. Ковтун фотоси (ЎзТАГ).

АЛКОГОЛГА ҚАРШИ ПРОПАГАНДА ҲУЖУМКОР БЎЛСИН

Ўзбекистоннинг меҳнат коллективларида ичкиликбозликни батамом бартараф этиш учун авж олдириб юборилган кураш идеология ходимлари зиммасига ошириган талаблар қўймоқда. 22 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган лекторлар республика семинарида ана шу курашни кучайтириш, ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш проблемалари ва йўллари тўғрисида гап борди.

Республика Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамияти кенгаши правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице президенти Э. Ю. Юсуповнинг, медицина муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари вакилларининг нутқларида жамиятда алкоголга қарши пропагандани кучайтириш, соғлом маънавий муҳит яратиш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Лекторларнинг асосий вазифаси пропаганданинг ҳужумкорлигини кучайтиришдан, ичкиликбозликнинг одамлар соғлиғига етказадиган зиёнини, шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларига кўрсатадиган салбий таъсирини ёрқин ва ишончли тарзда очиб беришдан иборатдир, дейилди семинарда.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кенгайтириш, профилактика тадбирлари комплексидан кенг кўламда фойдаланиш, мазмунли, қизиқарли ҳордиқ чиқариш ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Бухоро шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шариф Камолович Хайруллаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлади.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Республикада давом этаётган тармоқ касаба союз ҳисобот-сайлов конференцияларининг қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш, меҳнаткашларни хўжаликни ва жамоат ҳаётини қайта қуришга актив жалб этишнинг конкрет вазифаларини муҳокама қилмоқдалар. 22 ноябрь куни Тошкентда давлат муассасаларининг ходимлари, медицина ходимлари, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналарнинг, автомобиль транспорти ва шоссе йўллар ишчилари касаба союзларининг конференциялари бўлиб ўтди.

Делегатлар беш йил давомида қилинган ишларни чуқур таҳлил этиб, унга принципиал баҳо бердилар ва мавжуд камчиликларга эътиборни қаратдилар. Сўзга чиққан кишилар ишда нуқсонларга йўл қўйган, ана шу нуқсонлар сабабларини яширган конкрет коллективлар ва раҳбарларнинг номларини айтдилар. Конференцияларда социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим омили эканлиги, ҳамма жойда мусобақа ошкоралигини, натижалар таққосланишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш программасини рўёбга чиқариш, кадрлар муқим ишлаб қолишлари билан боғлиқ проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ходимларга нормал маиший шароит яратиб бериш меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарур.

Конференцияларда касаба союзлар республика комитетлари, ревизия комиссияларининг янги состави, касаба союзларининг Бутуниттифоқ тармоқ съездларига делегатлар сайланди.

(ЎзТАГ).

ОММАВИЙЛИК ОМИЛИ

АҲОЛИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Бу хабар кўп миллионли совет физкультурачиларини шубҳасиз хурсанд қилади: аҳолини жисмоний тарбиялаш Бутуниттифоқ кенгаши—СССР Физкультура ва спорт давлат комитетининг жамоатчилик органи тузилди. Кенгаш физкультура ва спортни янада ривожлантиришга ёрдам бермоғи керак.

21 ноябрь куни Москвада бўлиб ўтган таъсис мажлисида кенгаш ва унинг комиссиялари состави сайланди. Таниқли олимлар ва практиклар, министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда спорт ветеранлари кенгаш ва комиссияларга аъзо бўлиб кирди. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. СССРнинг космонавт-учувчиси, ГТО комплекси бўйича Бутуниттифоқ кенгашига кўп йил бошчилик қилган А. А. Леонов кенгаш раиси бўлди.

— КПСС XXVII съезднинг қарорлари ҳаётнинг ўзи биздан халқ соғлиғини мустаҳкамлашда тубдан қайта қуриш ишларини талаб этмоқда,—деди Леонов ТАСС мухбирига. Аҳолини физкультура ва спорт билан муттасил шуғулланишга оммавий жалб этиш, актив дам олишни ташкил этиш, илғор тажрибаларни умумлаштириш, ёйиш ва жорий этиш, аҳолига ҳақ тўланадиган физкультура ва спорт хизматларини кенг кўламда ривожлантириш кенгашнинг асосий вазифаларидандир.

А. А. Леонов ГТО комплекси оммавий физкультурани янада ривожлантириш программаси ва норматив асосидир, деб таъкидлади. Бутуниттифоқ комплекси юзасидан олиб борилган кўп йиллик иш тажрибаларидан янги кенгаш ишида фойдаланилади, албатта.

Кенгаш таъсис мажлисининг ишида СССР Физкультура ва спорт давлат комитети раиси М. В. Грамов қатнашди.

(ТАСС мухбири).

ХАЛҚ ИСТЕЪДОДИ ЧАШМАСИ

ОЛТИН РАҚС

Тошкентлик геолог Р. Кан ва мактаб ўқувчиси Т. Степанова ўзлари ижро этган рақс, хойнаҳой, олтин медаль келтиради, деб ўйлашмаган бўлса керак. Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида ўтказилган замонавий бал рақслари республика кўрик-конкурсида бу йигит ва қиз ғолиб чиқди. Улар 29 ноябрь куни Москвада бўладиган Бутуниттифоқ конкурсига йўлланма олишди.

Бу йигит-қизнинг рақси нафосати, назокати ва нафислиги билан ҳаммани лол қилди, — дейди танлаш конкурсининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Ш. Бурхонов. — Уларнинг ҳар бир рақси мураккаб ҳаракатлар, нозик, енгил ижро этишлиги билан эътиборимизни тортди.

Кўрик гўзаллик ва нафосатнинг чиннакам байрамига айланиб кетди. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидаги ўнлаб коллективлар ўзларининг жуфт ижрочиларини тавсия этдилар. Улар совет, Европа, Лотин Америкаси рақслари туркумини ижро этишлари лозим эди. Булар орасида «Сударушка», майин вальс, вальс-бостон- фокстрот, танго ва румба бор эди. Томошабин илғаб олиши қийин бўлган ижродаги озгина ноаниқлик ҳам жюри аъзолари назаридан қочмас эди.

«Силуэт» бал рақси ансамбли вакилларидан Р. Кан ва Т. Степанова Москва сафарига ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар уч йилдан буён ана шу коллективда шуғулланмоқдалар. Улар бўш вақтларини рақсга бахшида этишмоқда. Ансамбль билан биргаликда раққослар Олмаота, Свердловск, Челябинск шаҳарларида бўлишди. Бундан ярим йил муқаддам «Силуэт» ансамбли Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ конкурсида бронза медалига сазовор бўлган эди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҲАРАКАТГА ДАЪВАТ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ХУСУСИДА ХАЛҚАРО МИҚЕСДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР

СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг якунлари, сессияда жаҳон парламентларига ва халқларига қабул этилган Мурожаатнома жаҳон жамоатчилигини ва чет эллардаги оммавий ахборот воситаларини ғоят қизиқтирди. Турли мамлакатларнинг матбуот органлари, сиёсат ва жамоат арбоблари СССР Олий Советининг Мурожаатномасини ядро уруши хавфини даф этиш мақсадида ҳаракат қилишга, бирга-ликда куч-ғайрат сарфлашга даъват, деб баҳоламоқдалар.

БЕРЛИН. Москвадан барча парламентларга ва халқларга қудратли даъват янгради, деб таъкидлайди ГДРдаги **«Нойес Дойчланд»** газетаси. Унда ядросиз дунёни барпо этишга, барча давлатлар учун баб-баравар ишончли хавфсизликни вужудга келтиришга амалий равишда ўтиш учун қатъият билан ҳаракат қилишга чақирилади. Бу вазифа ҳар қандай давлатлараро баҳслардан ва мафкуравий ихтилофлардан юқори қўйилиши керак.

СОФИЯ. Ядросиз дунё барпо этилишини ялпи масъулиятгина гарантиялаши мумкин, деб ёзади Болгариядаги **«Работническо дело»** газетаси. Бironта ҳукумат, бironта парламент масъулиятдан ўзини четга ололмайди, чунки гап барча мамлакатларнинг, шу жумладан, ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг ҳаёти ҳақида бормоқда. Бу соҳада бетарафлар бўлиши мумкин эмас ва бўлмаслиги керак.

УЛАН-БАТОР. Рейкьявикда олий даражада ўтказилган Совет — Америка учрашуви ядро қуролисиз дунё учун курашнинг сифат жиҳатдан янги поғонасини бошлаб берди, энди биз шуни биламизки, ҳозирги авлоднинг ҳаёти давридаёқ ядро қуролидан халос бўлиш мумкин, деб таъкидлайди **Монголия радиоси.** Бу радио депутат А. Ф. Добрининнинг сессиядаги нутқини баён этиб, ўз миқёси жиҳатидан мислсиз битимларга эришиш истиқболлари ва бу йўлдаги жуда катта қийинчиликлар ҳозир равшан кўриниб турибди, деб уқтирди.

ГАВАНА. СССР Олий Совети сессиясининг ҳужжатлари совет экономикасининг жўшқин ривожланаётганидан ишонарли тарзда далолат бериб турибди, деб ёзади **«Гранма»** газетаси. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1986 йилдаги энг муҳим кўрсаткичлари планда белгиланганидан юқори эканини газета уқтириб ўтади. Космосни ҳарбий рақобат майдонига айлантириш хавфи қаршисида ҳар бир киши ўз позициясини белгилаб оладиган пайт келганлиги Москвада алоҳида таъкидлаб ўтилди, деб ёзади газета.

ВАШИНГТОН. СССР Олий Совети барча мамлакатларнинг қонун чиқарувчиларини ва халқларини ядро қуролидан халос бўлган келажак учун курашишга чақирди ва бу мақсадга ҳозирги авлоднинг ҳаёти давридаёқ эришиш мумкинлигини таъкидлади, деб хабар қилади АП агентлиги. СССР ўзининг Рейкьявикда ўртага қўйган ва барча ядро воситаларини тугатишга қаратилган таклифларидан бironтасини қайтариб олмаслиги Олий Советнинг Мурожаатномасида тантанали равишда тасдиқланади.

НЬЮ-ЙОРК. СССР Олий Советининг жаҳон парламентларига ва халқларига Мурожаатномаси — чиндан ҳам илҳомбахш ҳужжатдир, унда баён этилган тинчлик ташаббуслари эса барча мамлакатлар ва халқларнинг ҳақиқий хавфсизлигига эришиш йўлини очади, деди АҚШ тинчлик кенгашининг ижрочи директори **Майкл Майерсон.**

Рейкьявикда олий даражада ўтказилган ва ядро қуролисиз дунё учун курашнинг янги босқичини бошлаб берган Совет — Америка учрашувидан кейиноқ, Совет Иттифоқида шу муҳим ҳужжат эълон қилинганлиги диққатга сазовордир. Қурол-яроғлар устидан контроллик соҳасида силжишга эришиш мумкинлигини учрашув равшан намойиш этди. Давлатлар раҳбарларининг, парламентлар аъзоларининг, жамоатчилик вакилларининг сиёсий ҳохиш-иродасигина зарур.

РИМ. Москва, деб таъкидланади **АНСА** ахборот агентлигининг хабарида, Совет Иттифоқи ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб қўйиш муддати тугагунча, Қўшма Штатлар, ниҳоят, ақл-идрок овозига, бутун дунёдаги юз миллионлаб кишиларнинг талабларига қулоқ солади, деб ишонч билдирди. Қўшма Штатлар ядро портлатишларини тўхтатган тақдирда, СССР ядро синовларини қайтадан бошламаган бўлур эди.

ВЕНА. Совет Иттифоқи жамики ядро қуролини яқин ўн йил мобайнида йўқ қилиб ташлаш мақсадини кўзловчи ўз сиёсий йўлини яна бир бор таъкидлаб, ядросиз келажакка Рейкьявикда қия очилган эшик ёпиб қўйилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади, деб уқтиради **АПА** ахборот агентлиги. СССРнинг Рейкьявикда киритган қуролсизланиш тўғрисидаги таклифлари ўз кучини сақлаб қолмоқда, бу таклифлар Женевадаги музокараларнинг кун тартибида турибди. Американинг космик фазода ракетага қарши мудофаани вужудга келтириш программаси — ядро қуролини тугатиш тўғрисидаги ахдномаларга эришиш йўлида турган энг катта тўсиқдир.

(ТАСС).

ГАИТИДАГИ ВАЗИЯТ

ГАВАНА. Гаитида вазият ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Мамлакат пойтахти Порт—О—Пренсда меҳнаткашларнинг норозилик намойишлари давом этмоқда. Транспортнинг иши тўхтаган, мактаблар ва магазинлар ёпилган. Халққа зид режим ўтказаётган репрессияларга қарамай мамлакатнинг катта-катта шаҳарларида оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Намойишларнинг қатнашчилари америкапараст ҳукмрон генераллар дарҳол истеъфога чиқсин, деб талаб қилдилар. Режим халқ ғалаёнларини бостирмоқчи бўлиб пойтахт кўчаларига танкларни чиқарди. Солдатлар тинтув ўтказмоқдалар.

Триумвират бошлиғи генерал Анри Намфи АҚШ бўйлаб сафар қилади. Информация агентликларининг хабарига кўра, у Гаитидаги ҳукмрон доираларга Америка ёрдамини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилгани президент Рейган билан учрашиш ниятидадир. (ТАСС).

НИКАРАГУАНИНГ АГРЕССИЯ САБАБЛИ БЕРГАН ТАЛАФОТЛАРИ

МАНАГУА. ТАСС мухбири **Александр Трушин хабар беради:** Шу йил Никарагуа экономикаси АҚШнинг тўхтамаётган ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий агрессияси оқибатида қарийб 800 миллион доллардан маҳрум бўлди, дейилади ташқи иқтисодий ҳамкорлик министрлигининг бу ерда тарқатилган ҳужжатида. Контраст тўдаларининг қуролли ҳаракатлари, шунингдек Рейган маъмуриятининг савдо-иқтисодий тақиқлари ва бошқа чоралари миллий экономиканинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, деб таъкидланади ҳужжатда.

ГРЕЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ АҚШга ВИЗИТИ

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари Жорж Шульц ва расмий визит билан АҚШга келган Греция ташқи ишлар министри Карлос Папульяс ўртасида бу ерда бошланган музокараларда Американинг Грециядаги ҳарбий базалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Давлат департаменти вакилининг айтишича, мунозаралар давомида Ўрта Ер денгизидаги вазият, бошқа халқаро проблемалар, икки томонлама муносабатлар масалалари ҳам муҳокама қилинди.

АҚШнинг Грециядаги базаларига оид масала кейинги вақтда Вашингтонда алоҳида хавотирлик уйғотмоқда. Чунки 1988 йилнинг декабрида Американинг Греция диёридаги ҳарбий объектларни мавжудлигини қайд этиб турадиган Греция—Америка беш йиллик битимининг амал қилиш муддати тугайди. Мазкур мамлакат аҳолисининг кўпчилиги АҚШ ҳарбий базалари тугатилишини ёқлаб чиқмоқда. Вашингтон ҳозирнинг ўзидаёқ битимнинг бир қанча қоидалари унга маъқул бўлмаётганлигини Афинага шаъма қилди. Маълумки, Греция ҳукумати битимга Оқ уйга мақбул келадиган ҳеч қандай ўзгаришлар киритиш ниятида эмаслигини айтган эди. Бу масала келгусидаги музокаралар чоғида муҳокама қилинади.

Давлат департаменти вакилининг фикрига кўра, Греция министри ҳозирги вақтда Ғарб, биринчи навбатда Вашингтон ва Лондон зўр бериб авж олдираётган Сурияга қарши игвогарлик кампаниясини ҳам қўллаб-қувватлашдан бош тортди. Давлат департаментининг вакили Греция Европа иқтисодий ҳамжамиятининг Сурияга қарши тадбирларини тўла-тўкис қўллаб-қувватламаганлигидан давлат секретарининг ҳафсаласи пир бўлмоқда, деб таъкидлади.

(ТАСС).

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ОЛАМИДА

ЁЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

ЗАМИН ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон деганда кўз олдимизга кўп болали оилалар республикаси келади. Бу ерда аҳоли қадимдан ўзлашган ерларда зич яшайди. Ҳар бир квадрат километрга уч юз, баъзан беш юз кишининг тўғри келиши табиийдир. Кишилар бу ерда елкама-елка, қўлни-қўлга бериб меҳнат қиладилар, улар бир-бирининг юрак уришини ҳис этиб турадилар.

Республикамизда бугунги кунда 18,8 миллион аҳоли истиқомат қилаётир. Келажакда аҳоли сони 10 миллион нафарга кўпаяди. Қишлоқларда, баъзан шаҳарларда бир ҳовлида кексалар фарзандлари, невара-чеваралари билан истиқомат қиладилар. Уларнинг ҳар бири она маскан ва замин олдидаги ўз ўрнини, бурчини ва масъулиятини яхши билади. Шунинг учун ҳам кўпчилик ўзбек оилалари бу удумни муқаддас сақлайдилар. Она ерга бўлган муҳаббати улуғ, илдизи чуқур ва теран. Бу аҳолиси кўпайиб бораётган қишлоқларда яққол кўзга ташланмоқда. Шаҳарларнинг ҳам тез ўсиб бораётгани шундан. Ўзбекистонда 132 та шаҳар бор. Унинг 111 таси Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг бунёд бўлди. Республика шаҳарларида саккиз миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётир.

Аҳолининг шаҳар ва қишлоқ ўртасида бўлиниши шундай хулосаларни чиқаришга ёрдам беради: Агар аҳолининг нисбатан кам қисми шаҳарларда истиқомат қилиб, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш 24 миллиард сўмни ташкил этса, қишлоқда эса аҳоли уч миллион нафар кўп бўлишига қарамай қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўн миллиард сўмга ҳам етмайди. Бунинг ўзи ишчи меҳнатининг афзалликлари ва юксак самарадорлигини, шаҳарлар ўсишини жадаллаштиришнинг ва қишлоқ хўжалигини саноат асосига ўтказиш заруррлигини кўрсатиб турибди. Мамлакатда аҳоли шаҳар ва қишлоқ ўртасида номувофиқ жойлашган. Бизда айниқса, Фарғона, Зарафшон водийларида, Хоразм воҳасида меҳнатга лаёқатли аҳоли тез ўсмоқда.

Ўзбекистон халқ хўжалигида фан, маданият, бошқарув органларида бир неча миллиондан кўпроқ киши ишлаётир.

Қўриқ хўжаликларни ҳисобга олмаганда воҳаларда колхоз раиси бир киши қиладиган ишни қачонлардан бери икки ва уч киши зиммасига юкламоқда. Бизда ишсизлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигига чуқурроқ назар ташласак, бу ерда қанчадан қанча ортиқча куч борлигини кўрамиз.

Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети мутахассисларининг фикрича, қишлоқларда камида анчагина ишчи кучи ортиқча мавжуд. Хўжаликларда ҳар бир аҳоли пунктида ва районда меҳнатга лаёқатли қанча аҳоли яшаши ҳақида аниқ ҳисоб-китоб етишмайди. Бу эса турли янглишишларга олиб келади. Ҳар бир тийин ҳисобда бўлган, статистика минглаб кўрсаткичлар бўйича маълумотлар йиғаётган ҳозирги пайтда у ёки бу қишлоқ Советида меҳнатга лаёқатли аҳолининг қанчаси колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши билан ва қанчаси меҳнатни илмий ташкил этиш билан бандлиги аниқланмаса — демак, бу ерда зукко хўжайин йўқ деб айтиш мумкин.

Бухоро ва Нукус, бошқа областлар марказларида йирик тўқимачилик корхоналари ва уларнинг филиаллари қурилди, Бу корхоналар узоқ вақт комплектлаштирилмади. Маҳаллий раҳбарларнинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳақидаги ваъдаларига қарамай иккинчи смена бўм-бўшлигича қолаётир. Ҳа, меҳнат ресурслари бор эди ва улар ҳозир ҳам мавжуд. Лекин баъзилар корхонаса ишчи кадрлар зарур деган эллонни осиб қўйиш билан бурчимни бажардим деб ўйлайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган III пленумида меҳнат ресурсларига катта эътибор берилди. Республика учун мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш каби ғоят ўткир сиёсий, иқтисодий ва социал проблемани ҳал этиш ҳам меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқдир, деб таъкидланди.

Ҳаёт ҳамиша ва ҳамма вақт маслаҳатлашишга ундайди. Аҳоли ўсиши ва ҳаракати масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг баъзи бир фикрларига қўшиламиз. Ишчи кучларимиз етарли, ҳатто кўп, саноатни индустриалаштириш жараёнини тезлаштириш зарур.

Бундан бир неча йил муқаддам Бухоро тўқимачилик комбинати директори (ҳозир корхонага бошқа одам раҳбарлик қилаётир) билан бўлган суҳбатни хотирлайман. У Ивановодан келган инженерлар корхонада муқим қолмаётганидан шикоят қилганди.

— Сиз неча йилдан бери директорлик қиляпсиз? — деб сўрадим.

— Еттти йилдан бери.

— Нега дастлабки йилданоқ бухоролик мактаб ўқувчиларини Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига юбормадингиз? Ахир улар бугунгача инженерлик дипломи билан қайтишарди .

— Мен бу ҳақда илгари ўйламабман, — деб тан олди у.

Бу ҳақда ким ўйлайди?.

Кўринадики, кўпгина янги корхоналарнинг кам ва сифатсиз маҳсулот бераётгани сабаби инсон психологиясидагина эмас, балки эртанги кунни, истиқболни кўра билмасликдадир.

Ўзбекистон йилига ярим миллиондан кўпроқ ёш ишчи кадрларини етказиб бераётир. Бу— Умумиттифоқ нуқтаи назаридан қараганда мамлакатнинг истиқболидаги иқтисодий ва мудофаа потенциалига қўшаётган муносиб ҳиссалиги маълум бўлади.

Республикамизда маҳаллий ресурслардан фойдаланишни кўзлаган ҳолда Умумиттифоқ тўқимачилик ва мевани қайта ишлаш саноати базасини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда республикамизда пахта толасининг атиги беш процентигина ишлаб чиқарилмоқда, қолган қисми мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ва чет элларга юборилмоқда. Консерва маҳсулоти ҳам маҳаллий эҳтиёжни қондира олганича йўқ. Агар омборхоналар қурилиб мева ва сабзавотларни қайта ишлаш яхши йўлга қўйилса қишлоқда иш билан машғул бўлиш даражаси ошган бўларди. Бу билан минглаб кишиларнинг шаҳарга ошиқиши камаярди.

Ҳаёт қишлоқларимиздаги бой имкониятдан самарали фойдаланмаётганлигимизни кўрсатиб турибди. Агросаноатнинг барча бўғинлари ҳали ўзини кўрсата олгани йўқ. Биргина теплицалар ва парникларнинг ўзи республика миз шаҳарларини сабзавот, лимон ва гуллар билан таъминлаши, қўшимча минглаб кишиларни иш билан банд этиши мумкин-ку! Мақтанса арзигулик ишларимиз бор. Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози теплицасининг ўзи қанча маҳсулот бераётганини биласизми? Минглаб тонна кўкатлар, бодринг, помидор, лимонлар... Урал, Тюмень томон поездларда эл-тилаётган гуллар... Бу эса бозорга ўрганган чайқовчиларни суриб чиқармоқда

Йирик корхоналарнинг кичик шаҳарлар ва йирик қишлоқларда қурилган филиал ва цехлари аҳолини иш билан банд этаётганлигига тўхталмоқчимиз. Бу аввалги беш йилликларда ўзининг натижасини намойиш этди, ўн иккинчи беш йилликда уни янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Ўнинчи —ўн биринчи беш йилликда 140 минг киши ишлайдиган филиаллар ишга туширилди. Янги беш йилликда 500 га яқин филиал қурилади. Унда деярли икки юз мингга яқин киши машғул бўлади. Уларнинг учдан икки қисми хотин-қизлардир. 1972 йилда Марҳамат шаҳрида Андижон «Электроаппарат» заводининг филиали очилганда, бор-йўғи 25 ишчи иш бошлаганди. Бугунги кунда мустақил ҳисобланган бу корхонада мингдан кўпроқ ишчи бор.

Республикамизда Москва, Урал, Волжск корхоналарининг филиалларини ташкил этишни жадаллаштириш лозим. Андижон шаҳри яқинида Москва подшипник заводининг филиали корпуси қад кўтарди. Қурувчилар ҳали девор тикламасданоқ андижонликлар 600 йигитни бош корхонага юборишди. Уларнинг кўпчилиги Совет Армияси сафида хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлардир. Бу ёшлар касб сирларини ўргандилар, маҳоратини оширдилар, кейинчалик улар янги коллективнинг асосини ташкил этдилар.

Кичик шаҳарлардаги маҳаллий саноат корхоналарининг кўпчилиги бир сменада ишлаётганида? Нега? Бу кўпгина хўжалик раҳбарларига малол келаётганидандир. Улар икки сменали иш тартибли бўлишини хаёлларига келтирмаётирлар. Ёки юқоридан кўрсатма кутишаётир.

Халқ хўжалигининг айрим корхоналари, қурилишлари, қўриқ ерлар ҳамон ишчи кучига мунтазир. Ёшларни Қарши ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришга жалб этишнинг ўз қирралари бор. Бу аввало ёш авлодни чўлқуварлик руҳида тарбиялаш, замин туйғуси, Ватан туйғусини кенгайтиришдан иборатдир.

Замин туйғуси! Биз бу туйғуни юксак қадрлаймиз. Ахир она қишлоқнигина ватан деб аташнинг ўзи етмайди. Бизнинг Ватанимиз ғоят беповён, улкан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидир. Тошкентлик бўлсаму, Россия кенгликлари ва Тянь-Шан чўққилари мен учун бегонами? Кремль, Ленинграднинг мафтункор гўзаллиги ёки Самарқанддаги архитектура ёдгорликлари аждодларимиз томонидан бунёд этилмаганми? Тилимиз, анъана ва расм-русумларимиз айрича бўлса-да, ғоямиз бирдир. Шифокорлар таъкидлаганидек, рус, инглиз ёки ўзбек қони йўқ, инсон қонигина мавжуд.

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари бой. Уни мамлакат учун янада кўпайтиришнинг имконияти борми? Албатта, бор! Бу аҳоли ўртасида мустаҳкам иш олиб боришдан, ўқувчиларни касб маҳоратини оширишга йўналтиришдан, йигит-қизларни кўнгиллилар, юксак ғоялар руҳида тарбиялашдан иборат.

Она қишлоққа кўр-кўрона муҳаббат, оилалар чизиғидан четга чиқмаслик каби ҳоллар республикамиз иқтисодий ва социал ривожига кескин таъсир этмоқда. Тарбиядаги шу заифлик минглаб йигит-қизларнинг қишлоқ остонасидан чиқишига, ўз куч-имкониятлари, маҳоратларини мамлакатнинг турли жойларида намоён этишга тўсқинлик қилмоқда. Тўғри, Ўзбекистон Ноқоратупроқ зонага оталиқ ёрдами кўрсатмоқда, Тюмень, Байкал — Амур магистралида қурилиш ишларини кенгайтирмоқда Бироқ бу ердаги трестларимиз кўчма механизациялашган колонналарида кўнгиллиларимиз камлиги кўзга ташланади.

Аҳолининг кўчиш даражаси секин-аста ортиб бормоқда. Кейинги ўн йилликда бу борада ишчи ва хизматчи хотин-қизларнинг кескин ўсганлиги қувонарлидир.

Олимларнинг фикрига қараганда, аҳолининг кўчиш даражасини кучайтириш учун қишлоқ мактабларида саноат касблари ўрганишни кучайтириш, рус тилини ўқитишни яхшилаш зарур. Қишлоқ мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларини битирувчилар рус тилини яхши эгаллаганликлари учун ҳам кўпмиллатли совет маданиятининг бойлигидан етарли фойдалана олмаётирлар. Ҳарбий хизмат пайтида замонавий техникани ўрганишда қийналаётирлар. Юз минглаб ўзбеклар учун рус тили иккинчи она тили бўлиб қолди. Кейинги йилларда рус тили ўқитувчилари тайёрлаш сифатига эътиборни янада кучайтириш лозим.

Янги беш йиллик шахдам одим отяпти. Унинг дастлабки ютуқлари қувонтирмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида таъкидланганидек, бугунги кун омма орасида яшаш, ҳамиша халқ билан алоқада бўлиб, халқ айтаётганини сиёсатда акс эттиришнинг пайтидир.

Сергей ТАТУР.

ОКТЯБРЬ КУЙЧИСИ

«Ойбек — Октябрь куйчиси» кўчма кўргазмасида инқилоб мавзуи акс эттирилган. Ёзувчининг уй-музейи ташкил этган бу кўргазма экспозицияси биринчи бор авиасозларнинг Тошкентдаги маданият ва техника саройида намойиш қилинди.

Кўргазманинг олти бўлимида ўзбек совет адабиёти классигининг инқилоб мавзуига оид юздан кўпроқ материали кўрсатилмоқда. Булар орасида фотосуратлар, ҳужжатлар, китоблар, плакатлар ва суратлар бор. Кўргазма ёзувчи портрети билан очилади. Ёзувчининг синфий кураш, Туркистондаги инқилоб воқеалари акс этган «Қутлуғ қон» ва «Болалик» романларининг турли тилларда чиққан намуналари кўргазмадан асосий жой олган.

Экспозиция очилган кунда адабий кеча бўлди. Унда адабиётшунослар, Ойбек ижодининг тадқиқотчилари, шоир-таржимонлар сўзга чиқдилар. Кинематографиячилардан СССР халқ артисти Шуҳрат Аббосов ва ёш режиссер Фирдавс Зайнуддинов йиғилганларга Ойбекнинг «Болалик» повести асосида суратга олинган «Орзулар оғушида» фильми қандай яратилгани ҳақида сўзлаб бердилар.

Кўчма кўргазма Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган. Кўргазма республиканинг саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларида, ўқув юртларида намойиш этилади.

(ЎзТАГ).

ҲИНДИСТОН ТАСВИРИ

Совет—Ҳиндистон маданий алоқалари ўзига хос тарихга эга. Бу алоқаларнинг ривожи равнақига Ўзбекистон адабиёти ва санъати намояндалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Буни республикамиз кинематографчилари, рассомлари билан ҳиндистонлик маданият арбоблари ҳамкорлигида кейинги йилларда яратилган фильмлар, картиналар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Таниқли рассом, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рўзи Чориев ана шу ижодий алоқалар ва дўстлик туфайли Ҳиндистон мавзуида бир қатор портретлар, картиналар, полотнолар ишлади. Муйқалам соҳибининг яқинда тугатган полотносида Ҳиндистоннинг буюк арбоблари—Индира ва Ражив Ганди, Лаъл Баҳодур Шастри ва бошқаларнинг образлари яратилди. Шунисн диққатга сазоворки, рассом ўз асарида қаҳрамонларини давлат арбоблари ва эзгу фикрли инсонлар сифатида муносиб тасвирлай билган. Санъаткорнинг штрихлари, рамзлари ҳаётийлиги билан томошабинни мафтун этади.

Ҳиндистон мавзуи Рўзи Чориев ижодида алоҳида ўрин тутади. Унинг бу темада ишлаган қатор портрет ва картиналари тасвирий санъат мухлисларига маълум. Мазкур асарни ҳиндистонлик маданият арбоблари ҳам қизиқиб томоша қилишган. Май ойида Тошкентда ўтказилган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро кинофестивалида иштирок этган Ҳиндистон делегацияси аъзолари Рўзи Чориев устахонасига ташриф буюришганди. Улар ўзбекистонлик рассомга бир овоздан миннатдорчилик билдиришди.

Рўзи Чориев ҳиндистонлик ҳамкасби, манзарачи рассом Рам Кумар Верма билан қалин дўст ва қадрдон.

Суратда: (юқорида) рассомнинг «Ҳиндистон» полотноси, Пастда: Р. Чориев ва Рам Кумар Верма.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ТИНЧЛИК МАТЛАБИ

Яшаш, бу — орзулар қанотин кермоқ,
Яшаш, бу — муҳаббат гулларин термоқ.
Яшаш, бу — умрнинг гулгун дамларин
Эл учун яшамоқ, эл учун бермоқ.

* * *

Ойдин куз оқшоми. Бир хаёл суриб
Неннидир истадим кўкданми, ердан.
Гарчи билар эдим, бу кўҳна равоқ
Сирларин очмайди ҳамиша бирдан.

Юлдузлар! Бу қандай мавж!! Не ҳаракат!
Ким бу машъал тутиб келаётганлар!!
Демак бор ҳув олис сарҳадларда ҳам
Мен каби безовта бўлаётганлар.

Ҳақ мақсудли одам доим безовта.
Умиднинг йўллари бўлмас унга берк,
Гўё эски лип-лип кинодан ота
Безз кетган ўғлин илгаб қолардек...

Кўзим куртагидан учган капалак
Ёруғ чаманларга уради ўзни,
Демак эзгуликка интизорлар кўп,
Демак эзгуликлар асрайди бизни.

Оламда кечиккан баҳо́рлар йўқдир, —
Кечиккан виждон бор, чапажон матлаб.
Шу боис табиат муаммони минг
Ечимини эса берар битталаб.

Одам гоҳ геолог олимдек ажаб:
Тоғларнинг гранит жилдларин титиб,
Излар миллион йилги ярпоқ изини,
Бугун олтин баргки жим босиб ўтиб.

Ойдин куз оқшоми. Хаёлга шундай
Минг хил ўй келади, минг турли сўзлар
Аниқ бир ҳақиқат жамол очсин деб,
Тинмай нина урар тунга юлдузлар.

* * *

Шаҳарлар довруғин нима таратар,
Гоҳ эртак, афсона, чама таратар.

Гоҳида темир шаҳд — тож яркираши,
Гоҳида беҳудуд қон тирқираши.

Ё карвон йўллари туташ дарвоза,
Ёки бойликлари ҳақда овоза.

Аммо баридан ҳам сирли, эзгулик,
Гўзаллик ярапса, эл-юрт сезгулик.

Бу самар жим, лекин узоқ кетади.
Мангуликка шунинг ўзи етади.

* * *

Мен булут бағрига сиғ солиб кўрсам,
Селлари кўзимда бир намча йўқдир.
Ваҳшати туи ёрган йилдиримнинг ҳам
Бардоши титратган бир шамча йўқдир.

Қадимда бир юртнинг жоҳил ҳоқони
Варрак кашф этганнинг тўкмишдир қонин,
Ёлғоннинг тахтдаги юз йил даврони,
Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир.

Тенглик йўқ дунёда ёмондир қисмат,
Шиддати оғонми, ўлмайди миллат,
Дунёда ҳеч бир хил қуролда қувват
«Тинчлик» сўзин ёзган қаламча йўқдир.

Табиат гўёки биз билан сирдош:
Гулларнинг кўкси доғ, оҳу кўзи ёш,
Дарёни опичиб турар тоғу тош,
Бари дард билган бир одамча йўқдир.

Жоним, бу одамлар бунчалар тажанг,
Орқадаку жанглар, олдинда ҳам жанг,
Жаҳон йўлларини қилиб боқсак жам,
Иккимиз отган бир қадамча йўқдир!

* * *

«Бу — ёлғон!» — кўкракка муштлади
кимдир.
«Ёлғон бу...» инграндн кимдир бағри қон.
«Ҳм-м, ёлғон...» иржайди биров нечундир.
Ким «Ҳа, ёлғон!» деди. Кимдир
«Йўқ, ёлғон!»

Бири «Ёл-ғон» дея кетди эрка, тўқ.
Бири «Ёлғончи!» деб оҳиста кўнди.
Шундоқ, гоҳ бир рост сўз айтилгунича
Ким қанча жонларнинг умиди сўнди.

Ҳа, биз зардуштийлар посбони каби
Бу ўтни асрадик нфтихор айлаб.

Бугун инсоф, имон тилга кирмишдир,
Жонсўз фарзандларни йўқлайди элим.
Сенинг ёна-ёна кўзинг қолмишдир.
Менинг ёнишимдан қолгани — шеърим.

* * *

Шу йил ёз, Тўрткўлга қайиқда ўтиб,
Дилим тўлқинланди, кўзим ёшланди:
Амударё сувн шўр, тахир эди, —
Ҳовучимдан
кўз ёшидек ташладим...

ҚИЙИН МУҲАББАТ

Бу кўзлар неча йил, неча бўлгандир,
Муқаддас ёзувдек дилга жойланган.
Кунлар ёна-ёна кеча бўлгандир,
Тунлар ёна-ёна ойга айланган.

Бу қандай отаҳдир, мен сал дил ёрсам,
Очиқ кон топгандек, қўзди ғанимлар.
Аммо очилмади уларга, эркам,
Фақат иккимизга аён тилсимлар.

Ҳар ким ўз билгича фасона айтди,
Бизнинг ёнишларни йўғу бор айлаб.

ДРАМАТУРГИЯ ВА ТЕАТР МУАММОЛАРИ

САҲНА САНЪАТИНИНГ ЖОНИ

Республика ёш ёзувчилари семинарининг драматургия секцияси машғулотларида қатнашганимизда бизни баъзи нарсалар қувонтирди, баъзилари ташвишга солди. Ташвишли томони шу бўлдики, сессия ишида, мутасаддди раҳбар Туроб Тўлани ҳисобга олмаганда, малакали драматурглар иштирок этмади. Наҳотки, уларни драматургиямиз иқтиқоли қизиқтирмаса? Ҳамза номидаги академик драма театри, Муқимий номидаги музикали театр, «Ёш гвардия», рус ТЮЗи, қўғирчоқ театрининг режиссёрлари семинар ишига парво ҳам қилмадилар. Наҳотки, пойтахт театрларининг портфеллари янги асарларга лиқ тўла бўлса?! Бу театрларимиз, режиссёрларимизнинг, янги, оригинал асарлар яратишга лоқайдлик билан қараб келаётганларидан дарак бермайдими? Театрларнинг адабий эмакдошлари эса, умуман кўринмадилар. Балки, бу семинар ташкилотчиларининг хатосидир.

Семинарда тажрибали драматурглларнинг муҳокаларини тинглаб, ёшларнинг асарлари устида хаёл суриб, бир қонуниятга дуч келгандай бўлдим. Тажрибалиларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам кўпчилиги Москвадаги М. Горький номли Бутуниттифоқ адабиёт институтида малака оширган ёки А. Островский номидаги Тошкент давлат театр ва рассомлик институтининг актёрлик ёки режиссёрлик бўлимларини битириб чиқишган. Табиатан бор бўлган истеъдод драма назарияси, саҳна малакаси билан бирга қўшилиб, яхши натижага олиб келган. Модомики, шундай экан, театр ва рассомлик санъати институтининг театршунослик бўлими базасида драматурглар тайёрлаш масаласини ўйлаб кўрса бўлмасмикин? Ахир, худди шу йўл билан театр ташкилотчилари тайёрланяпти-ку.

Драматургия — саҳна санъатининг жони. Республикамиздаги 31 та театр учун йилида ҳеч бўлмаганда иккитадан янги, оригинал асар яратиш лозим деб топилганда ҳам 62 та пьеса (ёки либретто) зарур бўладн. 62 та долзарб мавзули, ғоявий пишиқ, бадиий жиҳатдан яхши савияли, ранг-баранг жанрли ва формасига кўра қизиқарли асар! Бу ҳазилакам иш эмас. Драматургларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш билан бу ишни ҳал қилиб бўлмайди. Мавзулар ва объектлар тавсия қилиш, узоқ муддатли ижодий командировкалар уюштириш. иттифоқ миқёсида ўтадиган семинарларга юборибб туриш. шартномалар тузиш, маълум театрларга бириктириб қўйиш йўли билан уларнинг ижодини йўналтириб бориш зарур. Уларга ғамхўрлик кўрсатиб, уларни дам-бадам рағбатлантириб туриш керак.

Бир сўз билан айтганда, драматурглар билан кўрсатмалар орқали эмас, конкрет шуғулланиш лозим. Чунончи, кўп йиллардан бери оддий ишчи ёки колхозчи ҳақида асар ҳаводай зарур, деб таъкидлаймиз икки гапнинг бирида Драматургларни ёзишга чақирамиз. Бироқ натижа йўқ. Чунки, на Маданият министрлиги, на Ёзувчилар союзи бу масала билан конкрет шуғулланди. Агар шу мавзуга мойил қаламкашга бирон завод, колхоз ёки қурилиш объектига бориб, меҳнат жараёни билан, меҳнаткашлар ҳаёти, руҳий дунёси билан танишиб келиш тавсия қилинганда, шунга зарур шароит, имтиёз яратилганда, ўйлаймизки, аллақачон бу тоифа асарлар ижод этилган бўларди. Айнан драмабоп мавзу ва проблемалар тўлиб-тошиб ётибди. Деҳқончилик билан боғлиқ бўлган дефолиация, пахта териш машинаси, уруғчилик атрофида озмунча баҳсли масалалар борми. Булар шунчаки илмий мунозаралар эмас, балки, кишиларнинг қарашлари, маънавияти, руҳияти, тақдирлари билан боғлиқ бўлган кучли зиддиятларни, ихтилофларни, драматик тўқнашувларни, фожиаларни келтириб чиқаравётган масалалардир. Ўрта ва олий мактаб ислоҳоти, илм-фаннинг самарадорлиги, табиат муҳофазаси, инсон саломатлиги билан боғлиқ қанчадан-қанча тема ўз эгасини кутиб турибди. Халқлар дўстлиги, интернационализм, халқаро муносабатлар, уруш ва тинчлик мавзуларида ҳам бизда пьесалар йўқ.

Бундай қараганда, драматургия билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари талайгина. Ва фақат пойтахтимиз театрлари, балки областлардаги театрлар ҳам баҳоли-қудрат драматурглар билан ишлаб, янги асарлар яратмоқда. Аммо одамлар оғзига тушадигани, воқеа бўладигани жуда ҳам кам. Зеро, уларнинг аксариятида бадиийлик лозим даражада эмас. Жанр қашшоқлиги ва ноаниқлиги, драматизм ва ҳаракатнинг сустлиги, сўзамоллик ва характер индивидуаллигининг етишмаслиги, баъзиларида ҳатто автор позициясининг ноаниқлиги ҳозирги драматургиямизнинг типик нуқсонларидир. Бу ҳаммаси драматурглар билан муқим, системали равишда, жиддий иш олиб борилмаётганидан. Кўпинча бу иш аҳён-аҳёнда, нари-бери бажарилади. Ҳолбуки, ҳозирги кунда барча театрларда адабий бўлим мудири лавозими бор. Афсуски, бу ўринларда кўпинча соҳадан йироқ, лаёқатсиз кишилар ишлайди. Улар директор юмушларини бажариш, нари борса протокол эмас, балки кишиларнинг қарашлари, маънавияти, руҳияти, тақдирлари билан боғлиқ бўлган кучли зиддиятларни, ихтилофларни, драматик тўқнашувларни, фожиаларни келтириб чиқаравётган масалалардир. Ўрта ва олий мактаб ислоҳоти, илм-фаннинг самарадорлиги, табиат муҳофазаси, инсон саломатлиги билан боғлиқ қанчадан-қанча тема ўз эгасини кутиб турибди. Халқлар дўстлиги, интернационализм, халқаро муносабатлар, уруш ва тинчлик мавзуларида ҳам бизда пьесалар йўқ.

ёзишдан нарига ўтмайдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида Ҳамза номидаги академик драма театри тўғри танқид қилинди. Бу ерда адабий эмакдош ўрнини аслида театр музейи билан шуғулланувчи П. Молотникова эгаллаб келди. Ҳозир бу ўринда истеъдодли актёр М. Абдуқундузов ўтирибди. Ўз-ўзидан маълумки, олдингисиям, кейингисиям бевосита адабий эмакдош вазифаси билан шуғулланган эмас. Уларда бунга имкон ҳам, ҳуқуқ ҳам йўқ.

Театр қошида кўп йиллардан бери драматургия лабораториясн иш кўради. Очиқ айтиш керакки, лаборатория ҳамон ўз йўлини топиб олгани йўқ. Лаборатория — изланиш, маълум мавзу, маълум асар устида драматург билан ҳамкорликда иш олиб бориш дегани бўлади. Афсуски, Ҳамза театридаги лаборатория ҳақида бундай деб бўлмайди.

Драматургия штаби — бу республика Маданият министрлигининг репертуар-редакцион коллегияси. Ҳар қалай, шундай бўлиб келган. Бироқ сўнгги ўн йил ичида коллегиядан путур кетди. Ижодий иш ўрнида расмиятчилик, ошна-оғайнигарчилик авж олди. Пьесаларни ўқиб, муҳокама қилиш тўхтади, Шу пайтгача Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган конкурс эълон қилинмади. Коллегия билан драматурглар ва театрларнинг алоқаси яхши эмас. Коллегияда ҳаммаси бўлиб, уч киши ишлайди: бош редактор ва иккита оддий редактор. Қизиғи шундаки, редакторнинг биттаси драматик театрлар бошқармасига, иккинчиси — музика муассасаларига қарашли. Бош редактор кимга қарашлилигини билмай гаранг бўлади. Бундан ҳам кулгили томони бор: 31 та театрга репертуар тайёрлаб берадиган ва йилига 260 минг сўм гонорар фондини реализация қиладиган коллегияда ҳаммаси бўлиб уч киши ишлайди, ҳаваскорлик коллективларига асарлар ҳозирлайдиган ва йилига атиги 10 минг сўмни тақсимлайдиган бошқа бир коллективда 4 киши ишлайди. Мантиқ қани? Драматургия истиқболи кўп жиҳатдан репертуар-редакцион коллегиянинг нормал ишлашига боғлиқ экан, уни яхшилаш керак. Ҳеч бўлмаганда, бир пайт бошқа бўлимларга олиб берилган иккита редактор штатини қайтариш, учта консультант ўрнини жорий этиш, коллегия составини қайта кўриб чиқиш ва унга кўпроқ режиссёр ва адабий эмакдошни жалб қилиш, коллегиянинг Ёзувчилар союзи қошидаги драматургия совети билан алоқасини яхшилаш мақсадга мувофиқдир. Коллегия муайян асарнинг ёзилишидан то саҳнага чиқиб томошабинга ҳавола этилишигача бўлган бутун мураккаб жараёнда драматургнинг ёнида бўлиши керак. Ана шунда яхши асар яратилиши мумкин.

Ёш ёзувчилар семинарига қайтсак, шубҳасиз, драматурглар секциясининг иши самарали бўлди. Аммо бир ҳафта драматургиядек мураккаб жанр учун озлик қилади. Кейин, драматурглар театрлар билан танишуви, назарий малакасини ошириши керак. Шундан келиб чиқиб, илгариги анъанани тиклаб, Маданият министрлиги, Театр жамияти билан бирга ёш драматурглар семинарини алоҳида уюштиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Драматургия — мураккаб соҳа. У билан бир ёқадан бош чиқариб жиддий шуғулланмоқ зарур. Шундай қилинса, адабиётимиз, театримиз ва, муҳими, томошабин, яъни саҳнасевар халқ ютган бўлур эди.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
профессор.

ЎЗБЕКИСТОН НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Москвада, халқаро савдо ва чет мамлакатлар билан илмий-техникавий алоқалар марказида Ўзбекистон ССР кунлари бошланди.

Бунда республикамиз эришган ютуқларни, ўзбек халқининг ўзига хос ижодини намойиш этишдан ташқари, Ўзбекистондаги корхоналар, бирлашмаларнинг экспорт имкониятларини кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган савдо-сотиқ докларининг вакиллари бу ерда пахта ва чигитни, машҳур гиламларни, қоракўл ва бошқа хил маҳсулотларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузишлари мумкин. Бунинг учун иттифоқдош республикалар кунларини ўтказиш тарихида биринчи бўлиб СССР Ташқи савдо министрлигининг коммерция маркази очилди.

Маълумки, бизнинг республикамиз экспортга маҳсулотлар етказиб бериш ҳажми бўйича мамлакатда учинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги пайтда икки юздан зиёд саноат корхонаси ўз буюмларини жаҳон бозорига чиқармоқда. Уларни салкам 70 та ҳорижий мамлакат сотиб олаётир.

Ўзбекистон ССР кунлари программасида халқ, замонавий ва классик музика ансамбллари коллективларининг чиқишлари кўзда тутилган. Москвада Ўзбекистон ССР кунлари 10 декабргача давом этади.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон ССР кунларининг тантанали очилиш маросими. 2 [чапдан ўнгга]. Даниядаги «К. Ян. А/О» фирмасининг вакили Пол Ян, «Текстильэкспорт» вакили А. Н. Макаров, «Экспортлен» Бутуниттифоқ бирлашмасининг бош директори И. Н. Горохов Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси президиуми раисининг ўринбосари Х. Х. Хакимов билан суҳбатлашмоқдалар. 3. Кўргазмалар павильонида.

А. Авазов фотолари (ТАСС — УзТАГ).

ҚИШГА ТАЙЕРМИСИЗ?

КАСАЛХОНА ҚАЧОН ИСИЙДИ?

Ульянов райони марказидаги шифохона Қашқадарё областининг қўриқ зонасида ягона ҳисобланади. Бу ерда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратилган. Касалхона қошидаги поликлиника кунига беш юз кишига тиббий ёрдам бера олади. Саломатлик кошонасининг жарроҳлик, терапия, туғуруқхона ҳамда юқумли касалликлар бўлимларида бир йўла 355 бемор даволанади.

Касалхона етти йил илгари ишга тушганди. Уни ишитиб берадиган қозонхонани «Каршистрой» бошқармаси 1983 йилгача ёнилғи билан таъминлай турди. Кейин эса бошқарма касалхона учун суюқ ёнилғи бермай қўйди. Сабаби — қозонхонани қаттиқ ёнилғи билан ишлатишга мослаб қайта қуриш керак экан. Суткасига уч тонна суюқ ёнилғи сарфланадиган қозонхонани қаттиқ ёқилғига мослаш, ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. Бу вазифани бажаришни ҳеч ким зиммасига олишни истамади. Қийин бўлганда беморларга қийин бўляпти. Уч йилдан буён аҳвол шу: қишда касалхонадаги палаталар деярли ишитилмайди.

Усмон Жўраев марказий касалхонага шу йил бош врач қилиб тайинланди. У даволаш, профилактика ишларини намунали ташкил этиш ўрнига фақат ишитиш системасини йўлга қўйиш муаммоси билан машғул бўлмоқда.

— Шунча елиб-югургандан бирор амалий иш чиқса кошки эди, — дейди у ва қийнилиб. — Турли ремонт ва таъминот ташкилотларига ўтган давр ичида қанча хат йўлладик. Юқори органларга мурожаат қилдик. Натижа чиқмади. Тўғри, ремонт учун етарли миқдорда пул ажратилган. Бироқ бор маблағга ремонт қилдиролмаймиз. Бўлмаса нима кўп — «Каршистрой» территориал бошқармасида бунақа идоралар кўп. Аммо ҳамма ерда сансалорлик: бирови материал йўқ деса, бирови бизда фондингиз йўқ, дейди. Дастлаб марказий касалхона қозонхонасини ремонт қилиш учун 18 минг сўмлик ишлар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилган эди. Лекин, қурувчи ташкилотлар бу ҳужжатларни қайтадан тузиш зарурлигини айтишди. «Узгипрормежилпроект» директори О. Бектемировдан лойиҳа-смета ҳужжатлари тузишда амалий ёрдам кўрсатишини сўрадик. Аммо, ундан жавоб олганимиз йўқ...

Хуллас, Ульянов район марказий касалхонаси буғ қозонини ремонт қилиш, ишитиш системаларини тартибга келтириш, уни ёқилғи билан таъминлаш борасида калаванинг учи топилмаётир.

Ж. ЙЎЛБАРСОВ.

Қишки формага ўтилади

Тошкент гарнизони бошлиғининг буйруғига мувофиқ Тошкент гарнизони қўшинларининг шахсий состави 25 ноябрдан бошлаб қишки кийим формасига ўтади.

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОРЗУ ВА АРМОН

«Пахтакор» командаси мавсумни танг аҳволда якунлагани ҳақида баъзи мулоҳазалар

Ўлкамиз футбол мухлислари учун яна бир қийин мавсум якунланди. Эрта баҳордан ортмоқланган «ташвиш» юкидан ниҳоят халос бўлинди. Ҳа, ишқибозларга осон бўлмади. Гарчанд улар «Пахтакор» командаси деганда қўл силташса-да, қандайдир илинж ва умид учқунини бой бергилари келмади. Шу боис: «Тамом, «Пахтакор» учун иккинчи лига нақд», деб бир қарорга келган ашаддий мухлислар сўнгги ҳал қилувчи учрашувда, ёмғир-изғиринда хайриҳоҳлик қилишди.

Сирасини айтганда, 1986 йил «Пахтакор» учун қийин мавсум бўлди, дейишга ўрин йўқ. Хўш, командага нима етишмайди?! Ҳатто олий лига коллективлари орзуманд стадион, дам олиш ва машқ қилишга мўлжалланган замонавий база яратилган бўлса-ю, аммо «Пахтакор» деган шарафли номга яраша ўйиндан дарак йўқ?! Тўғри, «Даугава» билан учрашувда бироз жонланиш кўзга ташланди. Лекин бу учрашувдаги ҳаракат ғафлатда қолганларнинг шошилинч отга қамчи босишини эслатди. Ҳужумкорликни ўрнига қўёлмаганга яраша, ҳимояда мустаҳкам туриб, дарвоза даҳлсизлигини таъминлашга уринишлар илгарироқ бўлганда бунақанги аламли якун юзага келмасди. Ҳаракат қилса бўлар эканми-ку. Дуранг «Пахтакор»ни ўз лигасида «илиниб» қолишига имкон берди.

Ўзи шунақа бўлади. Футбол кузида йиғилган «ҳосил» таҳлилига қўйилганда бир очко ё бир тўп посонгини босиб, команда тақдирини ҳал қилади. Олий лигага икки йўллаганмадан бирини Ланчхутининг «Гурия» футболчилари барвақт қўлга киритиб, хотиржам бўлиб олишди. Пахтакорчиларга асқотган дуранг, очко бўлашишдан маҳрум «Даугава» қолиб, ЦСКАнинг олий лигага чиқишига имкон берди.

«Пахтакор» биринчи лигада «осилиб» бўлса-да, қолди. Аммо у мухлисларга қимматга тушди. Команда аҳволига куйиниш, мавқеси-ю ўйинлардан ташвишланиш асаб, кайфият, саломатликка салбий таъсир қилди, бўш вақт зое кетди. Ишқибозларнинг команда шаънига эътироз ва мулоҳазалари баён этилган юзлаб мактубларини олдик. Улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

А. РУЗИМАТОВ, Ўзбекистон райони мухлислари номидан (жами 212 имзо):

«Пахтакорчиларнинг ўйинларини диққат билан кузатиб борамиз. Команда ютса севинчимиз ортади, ютқазиб қўйса икки-уч кунгача ўзимизга келолмай, қўлимиз ишга бормай юрамиз, Қачонгача биз— мухлисларни ранжитиб, сусткашликка йўл қўйилади. Ахир унумли меҳнат қилиш учун яхши кайфият бўлиши керак-ку».

Р. АҲМЕДОВ, А. МАРДОНОВ, Ш. МЕЙЛИКОВ, сурхондарёлик Улуғ Ватан уруши қатнашчилари:

«Пахтакор» командаси аъзолари ўртасида сифат ва самара, жадаллаштириш ва қайта қуриш каби замонамизнинг шу кун талабларига хос муаммолари қачон ҳал этилади? Биз бўш вақтимизни «Зангори экран» қаршисида кўпинча футбол томоша қилишга сарфлаймиз. Нега энди дам олиш соатларида кайфиятимиз бузилишига тоқат қилишимиз керак. Ҳозир ҳамма ерда ошқоралик расм бўлмоқда. «Пахтакор» йигитлари ҳам кўпчилик билан мулоқотда бўлиб турсалар ёмон бўлмасди».

С. МАМАСОДИҚОВ, Қўқон химия заводи ишчиси:

«Футболчиларимизнинг журъатсиз тўп тепишлари, мақсадсиз, уюшмаган ҳолда ҳаракат қилишлари коллективда мураббийлик ҳаракати қандай йўлга қўйилганлигидан далолат бериб турибди. Қачонгача ишонч ва дадиллик билан тўп сура билмаслик давом этади?! Мавсумнинг ноҳуш якунлангани тренер савиясининг ҳам ўзига хос баҳоси эмасми? Команда тақдирига лоқайд қараш Ўзбекистон футболи, қолаверса мухлисларга эътиборсизлик эмасми?»

М. ҚУВОНДИҚОВ, Пайариқ район, Қўйбишев номли колхозда:

«Тренернинг меҳнати майдонда кўринади, дейишади. Чунки ёшларга бирор нарсани ўргатиш учун устознинг ўзи ҳар жиҳатдан ибрат бўлмоғи даркор. Шу боис тренер В. Тихоновнинг мавсум мобайнида қанчалар меҳнат қилгани-ю, ва у қандай самаралар бергани футболчи йигитлар ўйнига қараб баҳолайверамиз».

М. ЖАББОРОВ, Москва райониданги Фрунзе номли колхоз:

«Қарийб 60 минг томошабинга мўлжалланган стадион нега бўшаб қолмоқда? Наҳотки бу ҳол мутасадди ўртоқларни қизиқтирмаса?».

Кўриниб турибдики, куйиниш ёзилган бу хатларда алам, қаттиқ ранжиш бор. Тўғри, «Пахтакор» тарихида беқарор ўйинлар, биринчи лигага тушишлар бўлган. Йиллик танаффусдан кейинроқ яна ўнгланиб олиш аниқ эди-ку. Ўтган йили бунга эришиб бўлмади. Бу сафарги мавсумдаги аҳволни эса футболимиз солномасига ёзишга қўл бормаяпти. «Пахтакор» таркиб топганига 30 йил бўлган бўлса, ҳали бирор марта ҳам сал қолса иккинчи лигага «меҳмон» бўлгудек ҳолга тушмаган эди.

Яхши ният ярим мол, дейишади. Пахтакорчилар устози В. Тихонов эса аксинча мавсум бошида чўчиброқ шундай деганди: «Бу йилги мавсумда бутун тренерлик маҳоратимни ишга солиб, командамнинг ҳар жиҳатдан мукаммал составини таркиб топтиришга ҳаракат қилсам-да, олий лигага, албатта, чиқамиз деб, аниқ айтолмайман». Мана шундай мужмалликдан кейин футболчиларнинг руҳий ва жисмоний имкониятлари қандай уйғунлашади-ю, шайликда қанақанги намуна кўрсата олади?! Умуман узоқни кўрабилмаслик, ёшларни олий мақсад сари эргаштира олмаслик оқибатида команда оросатда қолди.

Команда биринчи давра ўйинларини ўн иккинчи ўринни эгаллаш билан якунлади. Кейин Тошкентда Ростов армиячилари (2:0), «Котайк» (3:1) ва Батуми динамочиларини (2:0) ютиб, тўққизинчи ўринга кўтарилди. Мухлисларда умидворлик уйғонди. Афсуски, охирги ўнта учрашувда сусткашликка йўл қўйилди. Мудофаа чизиғи бўшлиги дарвозадан ўтказиб юборилган тўплар ҳисобида ўз ифодасини топди. Ҳужумкорлик яхши ҳимоя экани, ҳаммага аён. Таассуфки, пахтакорчилар бундай ташаббусни байроқ қилолмай, ҳужумларини охирига етказа олмай самарасиз ҳаракатларга йўл қўйдилар. Узаро ҳамкорлик, ҳам жиҳатлик кўзга ташланмади. Кези келганда югуришни ҳам эпполмай тўпни олдириб қўйиш ҳоллари такрорланди. Шаклланган тўпурарнинг йўклиги аксарият ҳолларда ютуқ бой берилишига олиб келди. Бундай аҳволнинг олдини олиш, хатоларни бартараф этишга жуда кеч киришилди: дарвозабон А. Яновский билан ҳимоячи С. Бондаренко командадан четлаштирилиб ўрнига Ф. Ёқубов билан Н. Нортожиев қабул қилинди.

Ишқибозларнинг командамиз ўйинларига катта умид қилишлари рақамларда ҳам ўз аксини топди. Жумладан, ўтган йили мавсум мобайнида ўйинларни кўргани келганлар билан (жами 47000 дан ортиқ), стадионни бир марта ҳам тўлдиришга эришиб бўлмаганди. Бу йил эса ўтган йилгидан 53 минг 70 нафардан кўпроқ мухлисни стдионга чорлангани маълум. Лекин мавсум кезлари ҳаммаси бўлиб «Пахтакор» ўйинларини 99 минг 770 киши кўрганини табиий ҳол деб бўлмайди. Айниқса, биринчи давра мобайнида учрашувларга қизиқиш кўпроқ бўлди. Иккинчи даврада эса аранг 22470 томошабинни жалб этишга эришилди.

Мавсум мобайнида «Пахтакор» на ўз майдонида, на сафарда мухлисларни қувонтирадиган ҳолатлар бўлмади. Ҳеч бўлмаганда «Даугава» ва «Кузбасс» командалари билан сафарда ўйнаб, дарвозадан жавобсиз ўтгандик. Ҳеч бўлмаганда ютиб ютқазиб юборишдик. Футболчиларимизнинг ўз майдонларида ЦСКА (0:1), «Металлург» (1:2), «Кубань» (1:3), Хабаровск армиячилари (0:0), «Гурия» (2:3) ва спартакчиларга (1:2) очколар ютқазишини оқибатида команда қийин вазиятга тушиб қолди.

Республикамизда пахтакорчилар сафини тўлдириш учун катта резерв бор. Олий спорт маҳорати ва спортга ихтисослаштирилган мактаблар, район, шаҳар, область биринчиликларининг иштирокчилари, республика чемпионати аъзолари орасида қанчадан-қанча лаёқатли футболчилар топилади. Лекин иккинчи лигада тўп сураётган коллективлар бош командамиз учун асосий база ҳисобланади. Бироқ учинчи эшелон коллективлари неча йилларидан бери зона ғолиблиги сифатида ўтиш турнирида муваффақиятсизликка учраб келмоқдалар. Бурноғи йили Фарғонанинг «Нефтяник», бутлур ва бу сафарги мавсумда Ҳалқободнинг «Сохибкор» командаларининг умидлари пучга чиқди. Бу ҳаммаси республика, нари борса Ўрта Осиё зонасида дуруст ўйнаб турган коллективларни иттифоқимизнинг марказий районлари командаларига бас келиша олмаётганидан далолатдир.

«Пахтакор»нинг ўнгланиб олиши осон бўлмаяпти. Бунга собиқ пахтакорчилар ҳалокатидан кейин берилган 3 йиллик имтиёз ишнинг кўзини билмай, ўринсиз тасарруф этилганининг оқибатидир. Вазифа оммавийликка янада зўр бериш, мураббийлик ҳаракатини жонлантириш, интизомни мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида ватанпарварлик руҳини жўш урдиришга аҳамият беришдан иборат. Ишни шундай ташкил этиш лозимки, бу йилги мавсумдаги танглик «Пахтакор» командаси, умуман футболимиз тарихида такрорланмайдиган бўлсин.

Ҳ. НОСИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» спорт шарҳловчиси.

якуний жадвал

	Ю	Д	М	Т	О
Гурия	28	5	13	80-60	61
ЦСКА	26	9	11	63-35	61
Даугава	24	14	8	82-46	60
Карпат АСК	22	10	14	63-52	54
Помир	21	13	12	76-48	54
Локомотив	21	11	14	63-48	53
Ростсельмаш	21	10	15	86-69	52
Ротор	22	7	17	69-56	51
Колос	20	11	15	48-45	51
Факел	20	8	18	56-44	48
Динамо (Вт)	20	8	18	50-59	48
Металлург	17	11	18	59-54	45
Кузбасс	16	13	17	63-61	44
Шинник	16	14	16	41-45	44
АСК(Р)	16	11	19	54-51	43
Спартак	15	12	19	58-66	42
Пахтакор	15	10	21	55-73	40
Динамо (Ст)	14	15	17	66-58	40
Котайк	14	13	19	46-54	40
Кубань	14	14	18	41-48	40
АСК (Хб)	12	12	22	49-61	36
Искра	11	13	22	30-60	34
Атлантас	9	11	26	40-75	29
Нистру	6	9	31	31-101	21

ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Афғонистон хоккейчилари учинчи якунловчи ўйинни Андижон область олий спорт маҳорати мактабининг командаси билан ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Қобул терма командасининг ўйнайдиган тренери Шерхон Акмал ЎзТАГ мухбирига бундай деди:

—Мамлакатимизда чим хоккей ишқибозлари кўп бўлиб, у тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Турли хил мусобақалар, халқаро учрашувлар муттасил ўтказиб турилди. Афғонистон хоккейчилари Ўзбекистонга биринчи марта 1980 йилда келган эдилар. Мамлакатимиз ифтиҳори бўлган команда аъзоларининг кўпчилиги ҳалоқ бўлди—инқилоб душманлари спортчиларга хоинларча ҳужум қилдилар. Босмачилар қуролсиз кишиларга ўқ уздилар, улардан атиги беш киши тирик қолди. Ҳозир ўртоқлик учрашувларида уларнинг иккитаси: химоячи Муҳаммад Жафар билан мен қатнашдик.

Кобулнинг терма командаси тамомила офицерлар ва аскарлардан тузилганлиги учун армия командаси, деса ҳам бўлади. Кундузи машқ ўтказилса, кечқурун ва кечаси Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя этиш учун жанговар навбатчиликда турилади.

Бизни Андижонда азиз дўстлар сифатида кутиб олиб, спорт иншоотлари ва базаларини кўрсатишди. Бу ерда ёш хоккейчиларни тайёрлаш учун жуда яхши шароит бор. Биз Андижон шаҳри ва областининг диққатга сазовор жойлари билан танишдик, физкультура коллективларида бўлдик. У ерларда қўшни мамлакатлар — СССР билан Афғонистон спортчиларининг дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида қизиқарли суҳбатлар бўлди.

К. НИЗОМОВ,
Андижон.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ўзбекистон ССР «Ўқитувчи» нашриёти қўйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди:

А. Шибанов, М. Шчербаков, Г. Устименко. Дала экинларининг агротехникаси асослари. 248 бет. Баҳоси 65 тийин.

9-10 синфларда факультатив курсдан машғулотлар ўтказишга мўлжалланган ушбу қўлланмада тупроқ ва меҳнат унумдорлиги ҳақидаги тушунчалар, баҳори ва кузги экинларни парвариш қилиш, экинлар ҳосилини оширишда ўғитларнинг роли, ўғитлаш системаси ва бошқалар баён этилган.

А. Д. Браун, М. Д. Фаддеева. Ҳаётнинг молекуляр асослари. 216 бет. Баҳоси 65 тийин.

Китобда молекуляр биологиянинг ҳозирги муваффақиятлари, оқсилларнинг структура ва функционал химияси масалалари, ферментларнинг биологик роли, ферментив катализ механизми кабилар ҳақида ҳикоя қилинади.

Е. Е. Муравьёв. Физикадан масалалар ечишга доир қўлланма. 192 бет. Баҳоси 25 тийин.

Қўлланмада механика, молекуляр физика, термодинамика асослари, электродинамика ва оптика бўйича масалаларнинг анализи ва ечимлари берилган.

Е. П. Мальцева. Тикувчилик материалшунослиги. 232 бет. Баҳоси 40 тийин.

Китоб ўқувчини толалар, калава иплар ва ипларнинг олиниши ҳамда ҳоссалари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 24 ноябрда чиқади.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ-ИНСТИТУТИ
бўлимлар ва бўлинмалар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

оғир жароҳатлар — **катта илмий ходим** (медицина фанлари кандидати), **кичик илмий ходим** (медицина фанлари кандидатлари ва илмий даражасизлар);
умуртқа потологияси —**катта илмий ходим** (медицина фанлари кандидати); **кичик илмий ходимлар** (2 ўрин — медицина фанлари кандидатлари ва илмий даражасизлар);
катта ёшдагилар ортопедияси ва жароҳатлар асорати — **кичик илмий ходимлар** (уч ўрин—медицина фанлари кандидатлари ва илмий даражасизлар);
рентгенология группасига—**кичик илмий ходимлар** (2 ўрин, медицина фанлари кандидатлари ва илмий даражасизлар);
лаборатория группасига — **раҳбар** (медицина фанлари кандидати, биология фанлари кандидати), **катта илмий** ходим (медицина фанлари кандидати, биология фанлари кандидати), **кичик илмий ходим** (медицина фанлар кандидатлари ва илмий даражасизлар);
илмий-тадқиқотларни амалда қўлланиш ва планлаштириш, — **катта илмий ходим** (медицина фанлари кандидати), **кичик илмий ходим** (медицина фанлари кандидатлари ва илмий даражасизлар).

Конкурсда Тошкент шаҳрида прописка қилинганлар қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — 25 ноябргача.

Мурожаат учун адрес: —Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 78уй. Телефонлар: 33-10-30, 33-12-35.

ИЛЬИЧ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ СИРТҚИ БЎЛИМГА
қўйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ, АГРОНОМИЯ, ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ.

Аризалар 30 ноябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 10 дан 15 декабргача, ўқувчилар сафига қабул қилиш 16 дан 20 декабргача ўтказилади.

Қабул қилиш тартиби барча ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари асосида бўлади.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг ёки ўрта ҳунар-техника билим юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси, 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан ташкилот раҳбари тасдиқлаган кўчирма, 3х4 см. катталикдаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Техникум адреси: Жиззах область, Пахтакор райони, А. Икромов номли 26-совхоз, қабул комиссияси.

1986 ЙИЛ 10-12 ДЕКАБРДА
ФАРҒОНА ШАҲРИДА
(Қиргули поселкаси).
Нефтчилар маданият саройи биносида
ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ОРТИҚЧА МОЛЛАРИ УЛГУРЖИ СОТИШ БЎЙИЧА

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркада қатнашиш учун барча иттифоқчи республикалар давлат савдоси ва матлубот кооперацияси улгуржи-чакана савдо ташкилотлари, шунингдек, ортиқча моллари бўлган корхоналар вакиллари таклиф қилинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ.
«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ».
«ЎЗПОСРЕДТОРГ».

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1986-87 ўқув йилида институтга киришни истовчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга

7 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Математика, география, физика, химия, биология, она тили фанлари бўйича машғулотлар ўтказилади. Ўқишга киришни истаганлар ректор номига ёзилган аризага ўқиш учун ҳақ тўлаганлиги ҳақидаги квитанцияни қўшиб топширадилар.

Бутун курс давомида ўқиганлик учун 30 сўм миқдоридаги пул институт кассасига ўтказилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, Қишлоқ хўжалик институти (19, 83, 49, 152-автобуслар, 10, 28-маршрут таксиларининг «Қишлоқ хўжалик институти» бекати).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

биологик мембраналарнинг структурали тузилиши лабораторияси **илмий ходими;**

лаборатория кичик илмий ходимлари: молекуляр биология, липидли алмашув, цитохимия ва электрон микроскопия.

Конкурс муддати — 27 ноябргача.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, М. Горький проспекти, 56-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —23/XI да Оловиднинг сеҳрли чироғи (12.00). Қуёшга таъзим.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 23/XI да Ғариблар.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —23/XI да Тоҳир ва Зуҳра.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ. ДА— Ленинград цирки артистларининг гастроллари 23/XI да 12, 15, 18.00 да).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги IУ Бош бошқармаининг 67-Марказий поликлиникаси коллективи шу поликлиникаанинг физиотерапевт врачи Г. Б. Алимовага отаси

Бобожон Маҳмудович МАҲМУДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СССР Давлат меҳнат омонат кассалари Ўзбекистон республика бош бошқармаси коллективи бўлим мудири А. Т. Зуҳровга отаси

Тўлаган ЗУҲРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р.—09135. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Б. —265. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12